

Мазкур Қоидаларни талқин қилиш ва қўллашда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда,  
Томонлар рус тилидаги матнга таянадилар.

**Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш  
Қоидалари**  
(“ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил 19 июлдаги йиғилиш баённомаси билан  
тасдиқланган.  
2019 йил 1 сентябрь кунидан кучга кирди.)

- I Бўлим. Умумий қоидалар.
- II Бўлим. Биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида Низом.
- III Бўлим. Биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби.
- IV Бўлим. Биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби.
- V Бўлим. Товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби.
- VI Бўлим. Биржа битимларининг турлари.
- VII Бўлим. Тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шароит яратиш тартиби.
- VIII Бўлим. Биржа савдоларини ўтказиш тартиби.
- IX Бўлим. Биржа битимларини ва биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ва расмийлаштириш тартиби.
- X Бўлим. Клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.
- XI Бўлим. Биржа товарларини котировка қилиш (нархини белгилаш) тартиби.
- XII Бўлим. Биржада нархлар шаклланиши жараёнини назорат қилиш тартиби.
- XIII Бўлим. Биржа савдолари тўғрисида маълумотни ошкор қилиш тартиби.
- XIV Бўлим. Биржа савдолари қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида Низом.
- XV Бўлим. Биржа савдолари қоидаларини бузганлик учун кўзда тутилган жазолар.
- XVI Бўлим. Ички назорат қоидаларини бузганлик учун кўзда тутилган жазолар.
- XVII Бўлим. Биржада низоларни бартараф этиш тартиби.
- XVIII Бўлим. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни амалга ошириш.
- XIX Бўлим. Биржа савдоларини янги дастурий тизим орқали ташкил этишнинг алоҳида шартлари.
- XX Бўлим. Икки томонлама аукцион ўтказиш тартиби
- XXI Бўлим. Биржа савдолари иштирокчиларининг ишончлилиқ рейтинг
- XXII Бўлим. Якуний қоидалар

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 22 сентябрь, 38-сон, 481-модда), биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон республика товар- хомашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси (кейинги ўринларда – Биржа деб юритилади), биржа аъзолари ва уларнинг трейдерлари, биржа аъзолари орқали биржа битимларини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан норезидентлар, шунингдек биржа битимларини амалга оширишда, рўйхатга олишда, расмийлаштиришда ва ижро этишда ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда бевосита иштирок этадиган ёки ўмаклашадиган шахсларга нисбатан амал қилади.

2. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ушбу Қоидалардан фарқ қилувчи қоидалар кўзда тутилган бўлса, амалда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидалар қўлланилади.

3. Биржанинг ички ҳужжатлари орқали ўрнатиладиган тартиб ва қоидалар ушбу Қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

4. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**трейдернинг иш жойи (ТИЖ)** – биржа савдоларининг электрон тизимига кириш учун шартнома асосида биржа аъзоларига тақдим қилинадиган иш жойи;

*(4-банднинг 2-хатбошиси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 14 июндаги баённомаси таҳририда)*

**биржанинг котировка варақаси** – биржа савдоларига қўйилган биржа товарларининг рўйхати;

**биржа битими** - биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси асосида биржа товарига доир тузилган олди-сотди шартномаси;

**биржа товари** - дастлабки кўрикни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган биржа савдоларига қўйилган муайян тур ва сифатдаги товар;

**биржа савдоси** – биржа савдолари қоидаларига асосан биржа томонидан ўтказиладиган савдо;

**пул маблағлари блокировкаси** - битим бўйича харидорлар ва сотувчилар мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи пул маблағлари ҳаракатини битим ёпилгунга қадар тўхтатиб қўйиш;

**брокер** - мижознинг топшириғига асосан ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси;

**ҲККП иккиламчи ҳисобварағи** - биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ҳамда битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш учун очилган биржанинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит иккиламчи ҳисобварақлари;

**Департамент** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти номидан фаолият юритувчи Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Бошқармаси;

**дилер** – биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси;

**закалат** — клиринг иштирокчилари амалга оширадиган битимлар бажарилишини кафолатлаш учун улар томонидан ҲККПга киритиладиган кафолат таъминоти маблағлари;

**фойдаланувчининг индивидуал рақами (кейинги ўринларда ФИР деб аталади)** — клиринг иштирокчисига бериладиган махсус хос рақам;

**биржа аъзоларининг мижозлари** - биржа савдоларида биржа товарларини сотувчи ёки сотиб олувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари;

**клиринг** — биржа аъзолари ва уларнинг мижозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек, ушбу Қоидалар ва «ЎЗРТХБ» АЖ да Ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоблар;

*(4-банднинг 14-хатбошиси “ЎЗРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

**клиринг (ҳисоб) регистрлари** — битимлар тузиш ва битимлар бўйича мажбуриятларни бажаришга мўлжалланган пул маблағлари қолдиқлари тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг битимлар бўйича мажбуриятлари ва талаблари ҳисобини юритишда фойдаланиладиган ҲККПнинг ички электрон ҳисоб регистрлари;

**контрагент** — битим бўйича мажбурият олган ва битимнинг бошқа томонига қарши қўйиладиган тараф — харидор сотувчи учун ва сотувчи харидор учун;

**ички ҳужжат** – ушбу Қоидаларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишга мўлжалланган, биржа Бошқаруви томонидан ўз ваколатлари доирасида ушбу Қоидаларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжат;

**маркет-мейкер** - биржа товарларига бўлган талаб, таклиф ва нарх даражасини сақлаб туриш мақсадида ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилер;

**Ички назорат Қоидалари** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 ноябрда 2038-сон билан рўйхатга олинган Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни

молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ҲККП)** — клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари (кейинги ўринларда битим деб аталади) бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлинмаси;

**клиринг иштирокчилари реестри (КИР)** — ушбу Қоидаларга мувофиқ ҲККПда рўйхатга олинган клиринг иштирокчилари рўйхати;

**тузилган битимлар реестри (ТБР)** — имзоланган ва рўйхатга олинган битимлар рўйхати;

**тўловлар амалга оширилган битимлар (ТАОБ)** — биржа товари юклаш учун сотувчига асос бўладиган ва тузилган битим бўйича қарздорликни тўлиқ қоплайдиган миқдорда сотиб олувчининг ҲККПдаги ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган битимлар рўйхати;

**етказиб бериш ҳужжатлари реестри (ЕБҲР)** — юклаш санаси ва юкланган биржа товари миқдори кўрсатилган ҳолда юклаш амалга оширилган битимлар рўйхати;

**“бююртмалар стакани”** – биржа битимлари жорий вақтда тузилиши мумкин бўлган берилган бююртмалар ҳақида маълумотни акс эттирувчи, савдоларда иштирок этаётган барча биржа аъзоларига жадвал шаклида фойдаланиши мумкин бўлган ва БСЭТ да акс этган маълумот;

**трейдер** - биржа савдоларида биржа аъзоси номидан иштирок этадиган ва биржа битимларини тузишга ваколатли бўлган биржа аъзосининг ходими;

**клиринг иштирокчиси** — акцепт йўллаган ва ЎзРТХБ» АЖ да Ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари билан белгиланган тартибда ҳисоб-китоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтган биржа аъзоси ва/ёки унинг мижози;

*(4-банднинг 27-хатбошиси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

**биржа аъзолари** - дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда биржа битимларини тузиш ҳуқуқини белгиланган тартибда олган юридик шахслар;

**биржа савдоларининг электрон тизими (БСЭТ)** – биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши учун фойдаланиладиган электрон тизим;

**клиринг электрон тизими** — ушбу Қоидаларга мувофиқ клирингни амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-техник воситалар, маълумотлар базалари, телекоммуникация воситалари ҳамда ҲККП дастурий таъминоти йиғиндиси;

**электрон логистика савдо портали** — юк ташиш бўйича электрон савдолар ўтказилишини, улар тўғрисидаги эълонлар ва бошқа зарур бўлган ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини, электрон савдолар ўтказилишини таъминловчи операторнинг махсус веб-сайти;

*(4-банднинг 31-хатбошиси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 январдаги баённомаси таҳририда)*

**оператор** — “UzEx Innovation” МЧЖ;

*(4-банднинг 32-хатбоииси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 январдаги баённомаси таҳририда)*

**диспетчер-агент** — оператор томонидан белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган, буюртмачи ва юк ташувчиларга топшириқ шартномаси асосида уларнинг электрон савдоларда қатнашишини таъминлашга доир профессионал хизматлар кўрсатадиган юридик шахс;

*(4-банднинг 33-хатбоииси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 январдаги баённомаси таҳририда)*

**ЭРИ (электрон рақамли имзо)** - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

**QR-код** (матрица ва штрихли код) – биржа битими тўғрисидаги маълумотга йўналишни ўз ичига олган, дастурий-аппарат воситалари орқали ўқиладиган оптик белги.

Кодни ўқиш жараёнида, битим ҳақида маълумот мавжуд бўлган, биржа интернет саҳифасининг мувофиқ бўлимига йўналиш берилади.

Биржа битимининг QR-коди ёрдамида биржа шартномасининг, биржа маълумотлар базасида сақланувчи, асл нусхасини кўриб, уни қоғоздаги кўриниши билан таққослаш имконияти мавжуд.

## **II. БИРЖА АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

5. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас.

6. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ҳамда биржанинг ходимлари биржа аъзоси бўлган юридик шахснинг таъсисчиси ва мансабдор шахслари бўлиши мумкин эмас.

7. Биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби ушбу Қоидалар билан белгиланади.

8. Биржа савдоларининг электрон тизимидаги кириш ҳуқуқи биржанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ойлик тўловлар асосида тақдим этилади.

*(8-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

9. Биржа томонидан биржанинг ҳар бир аъзосига биржа аъзосининг шахсий рақами бириктирилади, шахсий электрон почта ва шахсий кабинет очилади.

10. Дилер ва брокер вазифалари биржанинг битта аъзоси томонидан кўшиб амалга оширилишига йўл қўйилади.

11. Биржа аъзолари мижозларнинг чекланмаган миқдорида хизмат кўрсатиши мумкин.

12. Биржа аъзоси ва унинг мижози ўртасидаги муносабатлар улар томонидан ўзаро тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома шартлари ушбу қоидаларга зид бўлиши мумкин эмас.

13. Биржада биржа аъзолари ўз мижозларининг манфаатларини ўз трейдерлари орқали, шу жумладан, мижозларнинг манфаатларига тегишли масалалар муҳокама қилинадиган биржа комиссиялари мажлисларида иштирок этиш йўли билан ҳимоя қилишлари мумкин.

14. Биржа аъзоси чекланмаган миқдорда трейдерларни ишга жалб этишга ҳақли.

15. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек биржанинг ходимлари трейдерлар сифатида фаолият юритиши мумкин эмас.

16. Трейдер фақат битта биржа аъзоси номидан фаолият юритиш ҳуқуқига эга.

17. Биржа аъзоси ва унинг трейдери орасидаги муносабатлар меҳнат шартномаси орқали тартибга солинади.

18. Биржа аъзоларининг трейдерлари малака талабларига жавоб бериши лозим. Трейдерлар:

биржа фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ва мазкур Қоидаларни;

биржа савдоларини ташкил этилиши, биржа битимларини тузилиши ва бажарилишини тартибга солувчи биржа ички ҳужжатларини билишлари шарт.

19. Трейдерларнинг қўйилган талабларга мувофиқлиги даражаси, биржа Бошқаруви томонидан белгиланган тартиб бўйича тест синовидан ўтказиш йўли билан аниқланади.

20. Трейдер ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги орқали биржа аъзосига зарар етказган тақдирда, биржа аъзоси ушбу зарар тўлиқ қопланишига қадар, агар улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ биржа аъзосига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, биржадан трейдернинг бошқа биржа аъзоси учун трейдер сифатида фаолиятини чеклашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

21. Биржа билан биржа аъзоси ўртасидаги расмий ёзишмалар, ҳамда бошқа маълумотларни жўнатиш биржанинг электрон почтаси ёки шахсий кабинет орқали амалга оширилади.

22. Биржа аъзолари:

биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш, биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш;

биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш;

хар бир биржа савдосининг яқунлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Биржа аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

23. Биржа аъзоларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

биржада ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига, мазкур Қоидаларга ва биржанинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;



мижозга унинг манфаатларини кўзлаб тузиладиган биржа битимлари, шунингдек унинг топшириқлари бажарилиши билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этишлари. Мижоз билан келишмовчиликлар вужудга келган ҳолларда, мижозни битим ҳақида тўлиқ ва ўз вақтида хабардор қилганлиги тўғрисида далилларга эга бўлиш;

мижозга унинг манфаати доирасида биржа битимларининг амалга оширилиши ҳамда топшириқларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида тақдим этиш;

мижоз билан шартнома тузишда уни мазкур Қоидалар ҳамда клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари билан таништириш;

ўз ҳисобидан ва мижоз ҳисобидан амалга оширилган биржа битимларининг алоҳида ҳисобини юритиш;

ўз мижозларининг пул маблағларини алоҳида ҳисобини юритиш;

биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

биржа комиссияларининг қарорларини ўзларига таалукли қисмини ижро қилиш;

реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида биржага ўзгариш бўлган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида хабар бериш;

кунига камида бир марта биржа томонидан очилган ўзининг электрон почтасини ва шахсий кабинетини текшириш;

биржа биносида жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш.

Биржа аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

24. Биржа аъзолари, уларнинг трейдерлари ва савдо майдончалари регистраторларига қуйидагилар тақиқланади:

биржа ва унинг ходимларининг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ёлғон, тасдиқланмаган ёки инсайдерлик маълумотларини, асосланмаган миш-миш, ғийбат ва тухматларни тарқатиш;

биржада ҳисобга олинган техник ускуналарда, шу жумладан электрон почта орқали узатиш ва қабул қилиш, биржа томонидан ўрнатилган тизимлардан фарқ қиладиган операцион тизимлар (ёрдамчи дастурлар, скриптлар ва бошқалар)ни биржада ҳисобдан ўтказилган компьютер терминалига ўрнатиш ва/ёки сақлаш, шунингдек улардан савдолар пайтида фойдаланиш;

биржа томонидан биржа аъзосининг ва савдо майдончаси регистраторлари компьютер терминалида ўрнатилган тамға (стикер)ларни узиш;

*(24-банднинг тўртинчи хатбоши Кузатув кенгашиинг 2019 йил 26 декабрдаги баённома таҳририда)*

савдо пайтида фойдаланиш, шунингдек биржада ускуналарни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ рўйхатдан ўлмаган компьютер терминалларини ички тармоққа улаш;

ҳужжат ва шартномаларни сохталаштириш, улардан сохталаштирувчининг ўзи ёки ҳар қандай ўзга шахс манфаатларида фойдаланиш, бундай ҳужжатни ёки

шартномани топшириш, ҳамда ундан фойдаланиш, олдиндан сохталиги маълум бўлган ҳужжат ёки шартномани рўйхатга олиш;

мижознинг топшириқларини электрон журналда олдиндан рўйхатга олмасдан туриб битимни амалга ошириш;

биржа ва унинг бошқа аъзоларининг мулкига зарар етказиш;

нархлар манипуляциясини содир этиш ҳамда ички (инсайдерлик)

маълумотлардан фойдаланиш.

*(24-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 18 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

25. Биржа Бошқаруви томонидан трейдерларнинг касбий одоб-ахлоқига таалуқли бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

### **III. БИРЖА АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

26. Биржа аъзолигига қабул қилиш юридик шахсларни биржа аъзоси сифатида аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади. Биржа аъзосини аккредитация қилишда мазкур юридик шахснинг рўйхатдан ўтган ҳудуди бўйича биржанинг ҳудудий бўлинмаси ёки савдо майдончасида БСЭТга уланиш рухсати берилади.

27. Биржа аъзолигига кириш истагини билдирган шахс (кейинги ўринларда – номзод) биржага ЭРИдан фойдаланган ҳолда аккредитация электрон модули орқали ариза-анкетани тўлдириб электрон кўринишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

талабгор томонидан тасдиқланган талабгор раҳбари ва бош ҳисобчисининг паспорт нусхаси;

талабгор томонидан тасдиқданган трейдер (лар)нинг ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси;

трейдер(лар)нинг паспорт нусхалари;

биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид ички назорат Қоидаларини бажариш учун масъул шахсни тайинлаш бўйича, талабгор томонидан тасдиқланган буйруқ нусхасини;

Уставнинг электрон нусхаси (ўзгартиришлар билан) ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки уларни ўрнини босувчи ҳужжатлар.

Биржа биржа аъзоларнинг бериладиган электрон ҳужжатлари ва электрон хабарларининг мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

*(27-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

28. Талабгордан мазкур Қоидаларда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

29. Талабгорлар тўлдириши учун ҳужжатлар намуналари (шакллари) биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва биржанинг веб-сайтида жойлаштирилади. Оммавий шартномалар ҳам биржанинг веб-сайтида жойлаштирилади.

30. Талабгор тақдим этилган ҳужжатлар тўпламидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

31. Хужжатлар тўплами биржанинг масъул таркибий тузилмаси томонидан кўриб чиқилиб, камчиликлар аниқланмаган тақдирда биржа Бошқаруви томонидан талабгорни аъзоликка қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу ҳақда талабгорга БСЭТ тизимига кириш учун логин ва паролни тақдим этиш орқали тегишли хабарнома юборилади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида биржанинг ваколатли ходими биржа аъзоларининг раҳбарларини, бенефициар мулкдорларини ва аффилинган шахсларини (агар мавжуд бўлса) идентификациялаши ва уларни Рўйхат билан солиштириши керак.

Биржанинг ваколатли ходими биржа аъзоларининг раҳбарлари, бенефициар мулкдорлари ёки аффилинган шахслари (агар мавжуд бўлса) Рўйхат билан тўлиқ мос келган тақдирда, бу ҳақида дарҳол махсус ваколатли давлат органига, Монополияга қарши курашиш қўмитасига ҳамда биржа раҳбарига хабар бериши шарт.

*(31-банд “ЎзРТХБ” АЖ Қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

32. Талабгорнинг хужжатлари улар тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш куни давомида кўриб чиқилади.

33. Талабгор томонидан мазкур Қоидаларда кўрсатилган барча зарур хужжатлар тақдим этилмаган бўлса, биржа аъзоликка қабул қилиш ҳақидаги аризани каноатлантиришни рад этади ва бу ҳақда рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда аккредитация электрон модули орқали талабгорни хабардор қилади.

*(33-банд “ЎзРТХБ” АЖ Қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

34. Аъзоликка қабул қилиш рад этилган талабгор, рад қилиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг хужжатларни такроран топширишга ҳақли.

35. Биржанинг ваколатли таркибий тузилмаси биржа аъзоси ҳақидаги барча зарур маълумотларни, шу жумладан биржа аъзосининг реквизитлари, унинг трейдерлари, аъзоликни тўхтатиш ёки тугатиш сабабларини ўз ичига олган биржа аъзоларининг электрон реестрини юритади.

36. Аъзоликни тўхтатиш ихтиёрийлик асосида ва мажбурий тартибда амалга оширилади.

37. Аъзоликни тўхтатиш биржа аъзосини биржа савдоларидан четлаштириш йўли билан ва куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

биржа ва (ёки) савдо иштирокчилари олдида қарздорлик мавжуд бўлганда;

қонун хужжатларини ва (ёки) мазкур Қоидаларни бузганда;

аъзолик шартномаси амал қилиш муддати тугаганда;

биржа комиссияларининг қарорларини бажармаганда амалга оширилади.

*(37-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

38. Биржа аъзоси ва унинг трейдерларини савдодан четлаштириш учун асос бўладиган қоидабузилишлар мазкур Қоидалар билан белгиланади.

Биржа аъзоси биржа савдоларининг электрон тизими ишдан чиқиши ёки техник узилишлар, нархлар манипуляциясига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шунингдек буюртмаларни бирлаштириш ва биржа савдолари жараёнига аралаштириш ҳаракатларини содир этишда гумонланганда ахборот хавфсизлиги бўлими, ахборот дастурларига хизмат кўрсатиш ва қўллаб қувватлаш бўлими ҳамда маклериатнинг билдиргиси асосида биржа савдоларидан ўн кунгача четлаштирилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, мазкур бандда кўрсатилган муддат Биржа Бошқарувининг қарори асосида бир ойга қадар узайтирилиши мумкин.

Ўрганиш натижаларига кўра, қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, биржа аъзоларига нисбатан мазкур қоидаларда белгиланган тартибда чоралар қўлланилади.

Қоидабузарлик содир этиш ҳолати ўз тасдиғини топмаган тақдирда биржа савдоларида иштирок этишга биржа аъзосининг компьютер қурилмасини масофадан туриб мониторинг қилиш учун биржа томонидан махсус дастурий восита ўрнатилгандан сўнг рухсат берилади.

*(38-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

39. Биржа аъзосининг аъзолиги тўхтатилган ва аъзоликдан четлаштирилган даврда ундан аъзолик бадаллари ва бошқа тўловлар ундирилмайди, шунингдек ушбу биржа аъзосининг трейдерини бошқа биржа аъзосига ўтказишга йўл қўйилмайди.

40. Аъзолик қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

мазкур биржа аъзоси (юримдик шахс) банкрот деб топилганда ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тартибда тугатилганда;

биржа аъзоси сифатида 6 ойдан ортиқ муддат давомида фаолият кўрсатмаганда (аъзолик тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно);

қонун ҳужжатларини ва/ёки ушбу Қоидаларни такроран бузганлик учун, бир вақтнинг ўзида қонун ҳужжатлари ва (ёки) ушбу Қоидаларнинг айна бир бўлимида, моддаларида (бандларида) назарда тутилган иккита ёки ундан ортиқ ҳаракатлар содир этилган бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида ва (ёки) ушбу Қоидаларда алоҳида кўрсатилган ҳолларда ва ҳар хил моддалар (бандлар), уларнинг ҳеч бири бўйича жарима қўлланилмаган тақдирда. Такрорий ҳаракатлар тугалланган ҳаракатлар, жазоланувчи тайёргарлик ёки ҳуқуқбузарликка уриниш, шунингдек шерикликда содир этилган ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади;

мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган ҳаракатларни такроран содир этганда;

аъзолик шартномаси муддатининг тугаши муносабати билан аъзолик 6 ойдан ортиқ муддат давомида тўхтатилган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда.

*(40-банднинг 6-хатбоиши “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

41. Аъзоликни тугатиш ҳақидаги қарор биржа Бошқаруви томонидан қабул қилинади. Агар қонун ва (ёки) ушбу Қоидаларнинг бузилиши сабабли аъзолик

тўхтатилган бўлса, айбдор юридик шахсларни биржа аъзоси сифатида аккредитация қилиш ва уларнинг трейдерларини биржанинг бошқа аъзосига ўтказиш 2 йил муддатга таъқиқланади

#### **IV. БИРЖА АЪЗОЛАРИНИ БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА КИРИТИШ ТАРТИБИ**

42. Биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши фақатгина биржа савдоларининг электрон тизимидан (кейинги ўринларда БСЭТ)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

43. БСЭТ тизимида кириш ҳуқуқи фақат биржа аъзосининг трейдеригақуйидаги шартларини бажарган тақдирда берилади:

трейдер тестни муваффақиятли амалга оширган;

биржа аъзосининг ички назорат Қоидаларини назорат қилиш бўйича маъсул шахси биржада ички назорат Қоидаларининг йўриқномаси бўйича йўриқномадан ўтган;

биржа савдоларининг электрон тизимида кириш ҳуқуқини тақдим этиш учун олдиндан тўлов амалга оширилганда.

*(43-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

44. Трейдернинг БСЭТга киришига рухсат унга трейдернинг шахсий логини ҳамда паролни бериш орқали амалга оширилади. Агар трейдернинг ва биржа аъзосининг ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида биржага, биржа аъзолари, биржа аъзоларининг мижозлари, бошқа биржа аъзоларига ёки биржа савдосининг бошқа иштирокчиларига зарар етказилиши мумкин бўлганлиги аниқланган бўлса, ЭСБТнинг ахборот хавфсизлигига таҳдид, шунингдек, савдо натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланган бўлса, ЭСБТ биржа аъзосининг трейдерлари 10 иш кунигача ёки интизом комиссиясининг қарори бажарилгунга қадар чекланиши мумкин.

*(44-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

45. Биржа аъзосининг аризасига кўра савдоларда иштирок этишга рухсат биржа филиаллари ва савдо майдончаларида берилиши мумкин. Биржа савдо залларига рухсат фақатгина трейдерларга берилиши мумкин.

46. ТИЖ биржа ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан трейдерлари тестдан муваффақиятли ўтган биржа аъзоларига шартнома ва тўлов асосида берилади.

*(46-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

47. Савдо майдончасида ТИЖни бериш шартлари савдо майдончаси ва биржа аъзоси томонидан белгиланади.

*(47-банд “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

48. Трейдер ва регистраторнинг логин ва пароли туғрисидаги маълумотлар махфий ахборот ҳисобланади. Трейдер ва регистраторнинг логин ва пароли туғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиш, шу жумладан трейдер ва регистраторнинг ўзи томонидан ҳам ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

*(48-банд “ЎзРТХБ” АЖ Қузатув кенгашининг 2019 йил 26 декабрдаги баённома таҳририда)*

49. Трейдернинг шахсий логин ва пароли фақатгина трейдер билан меҳнат шартномасини тузган битта биржа аъзоси томонидан фойдаланилиши мумкин.

50. Трейдернинг логин ва паролдан ушбу трейдерга алоқаси бўлмаган бошқа биржа аъзолари томонидан фойдаланилиши тақиқланади.

51. Биржа азоси томонидан трейдерни киритиш биржага ЭРИдан фойдаланган ҳолда аккредитация электрон модули орқали ариза-анкетани тўлдириб, трейдернинг паспорт копиясини электрон кўринишда тақдим этади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ёки бошқа лавозимга ўтказилганда, ёки трейдер мажбуриятларидан воз кечилганда, биржа аъзоси биржага ЭРИдан фойдаланган ҳолда аккредитация электрон модули орқали тегишли ариза этиши лозим.

*(51-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

52. Биржа аъзосининг аризасига кўра 6 ойдан кўпроқ муддатга БСЭТ га руҳсат бекор қилинган трейдер такроран тест синовларидан ўтиши лозим.

53. Биржа аъзоси ва унинг трейдерлари аъзолиги тўхтатилган ва савдолардан четлаштирилган даврда биржа савдоларига қўйилмайди.

54. Биржа аъзоси биржа савдосидан четлаштирилгандан сўнг унинг трейдери биржа Бошқаруви томонидан ўрнатилган тартибда қайтадан тест синовларидан ўтади.

55. Биржа аъзоси бириктирилган савдо майдончасининг фаолияти тўхтатилган ёки тугатилган ҳолларда биржа аъзоси уни бошқа савдо майдончаси ёки филиалига ўтказиш ҳақида биржага ариза бериши шарт. Ўтказиш расмийлаштирилганга қадар биржа аъзоси биржа савдоларига қўйилмайди.

## **V. ТОВАРЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШГА РУХСАТ БЕРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

56. Биржа савдоларига фақат биржа товарлари қўйилади.

57. Ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, хусусий белгили ашёлар, кўчмас мулк, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас.

58. Товарни биржа савдоларига қўйишни амалга ошириш қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

товар ишлаб чиқарувчиси ёки етказиб берувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш;

товарнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда биржа листингини ўтказиш тартиби талабларига мувофиқлигини текшириш;

товарнинг ликвидлигини баҳолаш;

товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

59. Товарни биржа савдоларига қўйишга руҳсат бериш биржанинг Листинг

комиссияси томонидан амалга оширилади. Листинг комиссияси ўз фаолиятини биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган Листинг комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

60. Биржа савдосига қўйилган биржа товарлари рўйхати биржанинг котировкалаш варағи ҳисобланади.

61. Руҳсат натижалари бўйича Листинг комиссияси контрактга идентификация рақамини берган ҳолда битимни тузишнинг энг муҳим бўлган барча шартларини назарда тутувчи намунавий биржа контрактининг спецификациясини шакллантиради.

62. Муҳим шартлардаги ўзгаришлар намунавий биржа контрактининг янги спецификациясини қабул қилиш ва унга янги идентификация рақамини беришга асос бўлади.

Янги биржа контракти спецификациясининг муҳим шартларига қуйидагилар киради:

товарнинг тўлиқ номи;

битим валютаси;

битта контрактдаги лот (ўлчов бирлигида товар миқдори);

ўлчов бирлиги.

63. Намунавий биржа контрактининг спецификацияси мажбурий тартибда қуйидаги шартларни ўз ичига олиши керак:

биржа томонидан белгиланган контракт рақами (коди);

товарнинг тўлиқ номи;

ўлчов бирлиги;

битта контрактдаги лот (ўлчов бирлигида товар миқдори);

битим валютаси;

етказиб бериш шартлари;

тўлаш ва етказиб бериш муддати;

битимни ижро этилишининг кафолатларини таъминлаш бўйича закалат фоизи.

64. Биржа намунавий контрактининг спецификацияси сотувчи билан ўзаро келишилган, мазкур турдаги товарни сотишнинг алоҳида хусусиятини белгиловчи махсус шартларни ўз ичига олиши мумкин.

65. Биржанинг Листинг комиссияси томонидан товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

товар сотувчиси юридик шахс сифатида тугатилганда;

сотувчи томонидан товарларни мунтазам равишда белгиланган миқдорда савдога қўйиш мажбуриятлари бажарилмаганда;

товарга нисбатан талабнинг мажвуд эмаслиги, мазкур товар бўйича мунтазам битимлар тузилмаганда;

товар сотувчисининг товарни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш ҳақидаги аризаси асосида.

66. Биржанинг котировкалаш варағига киритилмаган биржа товарларини

муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

## **VI. БИРЖА БИТИМЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

67. Биржа битими бўлиб биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномаси ҳисобланади.

68. Биржада қуйидаги турдаги битимлар амалга оширилади:

спот битимлари;

форвард битимлари;

фьючерс битимлари.

69. Спот битими - бу сотиб олувчи тўловни кечиктирмасдан амалга ошириши, сотувчи эса товарларни кечиктирмасдан етказиб бериши лозим бўлган битимдир.

70. Форвард битими - бу сотувчи шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчига топшириши, сотиб олувчи эса товар ҳақини битимда келишилган муддатда ва тартибда тўлаши ва уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олган битимдир.

Форвард битимлари битим шартлари асосида товарни етказиб бериш ва унинг ҳақини тўлиқ тўлаш билан яқунланади (етказиб бериш форварди).

71. Фьючерс битими – бу молия инструментларининг (деривативларнинг) келгусида ижро этилиши мажбуриятларига (фьючерсга) эга бўлган олди-сотди битимлари бўлиб, биржа маҳсулотини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки битим тарафлари орасида маҳсулотни етказмай туриб, ҳисоб-китобларни амалга оширишни (ҳисоб-китоб фьючерси) кўзда тутаяди.

72. Биржа битимининг намунавий шакли биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

## **VII. ТУЗИЛГАН БИРЖА БИТИМЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТАРТИБИ**

73. Тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар қуйидагилар орқали амалга оширилади:

клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

биржа товарларини етказиб беришнинг ҳисобга олиншини амалга ошириш; пул маблағларини ва биржа товарларини олдиндан депонентга қўйишни

назарда тутувчи механизмларни белгилаш;

биржа битимлари бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида электрон логистика тизимини жорий этиш;

*(73-банднинг 5-хатбошиси “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 январдаги баённомаси таҳририда)*

биржа битимлари бўйича мажбуриятларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

74. Биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун битимлар бўйича барча ҳисоб-китоблар “тўловга қарама-қарши етказиб бериш” қондаси асосида амалга оширилади.



75. Биржа савдоларида тузилган битимлар бажарилишининг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган барча битимлар бўйича ҳисоб-китоблар биржанинг Ҳисоб-китоб - клиринг Палатаси (ХККК) орқали амалга оширилади.

76. Биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида, биржа битимлари бўйича мажбуриятларни бажариш учун биржа аъзоларининг етарлича маблағи бўлмаган ҳолларда, Биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фонди маблағлари ҳисобидан, тўлов ҳисобига ва қайтариш шарти билан мажбуриятлар бажарилиб турилиши мумкин.

## **VIII. БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

77. Биржа савдолари биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган биржа савдолари сессияси жадвалига мувофиқ ўтказилади.

78. Жадвал биржанинг расмий веб-сайтида олдиндан жойлаштирилади. Савдо сессиялари жадвалидаги ўзгариш ва қўшимчалар янги жадвал эълон қилинган пайтдан бошлаб камида уч кундан кейин кучга киради.

79. Савдолар мунтазам равишда биржанинг иш кунларида ўтказилади.

80. Барча биржа савдолари фақатгина БСЭТда ўтказилади.

81. Биржа савдолари сессияси қуйидаги даврлардан ташкил топади:

сотиш учун буюртма бериш;

сотиб олиш учун буюртма бериш;

биржа аъзолари томонидан берилган қарама-қарши буюртмаларни бирлаштириш ва тузилган битимлар реестирини шакллантириш.

82. Биржа аъзолари ўз мижозларининг топшириғига кўра биржа савдоларида биржа товари бўйича биржа битимларини БСЭТга буюртма бериш орқали амалга оширадilar.

83. Биржа аъзоси биржа савдоларида битимни амалга оширишда мижознинг топшириғи (буюруғи)га қатъий амал қилиши шарт.

84. Мижознинг буюруқлари биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган намунавий шаклда берилади.

85. Биржа аъзоси, хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ва улардан қабул қилинаётган топшириқларнинг ҳисобини электрон рўйхатга олиш журналида, биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган шаклда, шахсий кабинет воситаси орқали юритиши ва ушбу ҳисобнинг маълумотларини биржа сўровига асосан ошкор қилиши шарт.

86. Журналдаги ҳар бир топшириққа тақрорланмайдиган рўйхатга олиш рақами берилади. Топшириқлар журналга улар қабул қилинган вақтга мутаносиб равишда кетма-кетликда киритилиши керак.

87. Мижознинг топшириғини журналда олдиндан қайд этмасдан бажариш тақиқланади.

88. Товари сотиш ёки сотиб олиш учун буюртмалар фақат трейдерлар

томонидан берилиши мумкин.

89. Буюртмани тақдим этиш бир томонлама битим ҳисобланиб, унга мувофиқ номидан буюртма берилган шахс намунавий биржа контрактида белгиланган шартлар асосида шартнома тузиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

90. Сотишга берилган буюртма товар кимнинг номидан берилган бўлса, ўша шахсга тегишлилигини ва у учинчи шахслар ҳуқуқлари таъсирида эмаслигини тасдиқлайди, шунингдек ушбу шахсга қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

намунавий биржа контрактида ва берилган буюртмада белгиланган шартларда маҳсулотни етказиб бериш;

савдоларда битимни амалга ошириш ёки товарни савдодан чиқаришдан ташқари, бошқача усулда товардан фойдаланмаслик.

91. Сотиш учун буюртмада:

намунавий биржа контрактининг идентификация рақами;

савдога қўйиладиган лотлар сони;

лот учун бошланғич нарх кўрсатилиши керак.

92. Сотувчилар савдо кунлари бўйича тенг қўйишни ҳисобга олган ҳолда, юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларни кунлар кесимида кўрсатган ҳолда ўз шахсий кабинетига электрон равишда киритиш орқали келгуси ой бошланишидан уч кун олдин тасдиқловчи ҳужжатни бириктириш (ПДФ кўринишида) ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб биржанинг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Сотиш учун буюртма биржа савдо сессияси бошида савдолар жадвалига мувофиқ жойлаштирилади. Бунда, биржа аъзоси томонидан маҳсулотни сотувга қўйиш шахсий кабинет орқали электрон рақамли имзо ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Агар сотувчи томонидан савдога қўйиш жадвалидан ташқари қўшимча ҳажмларни савдога чиқариш режалаштирилган бўлса, бу ҳақида хабар биржанинг корпоратив чатида савдодан олдин эълон қилинади.

*(92-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 28 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

93. Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар сотувчилари манфаатида сотиш учун берилган буюртма асосида савдога қўйиладиган маҳсулотлар миқдори маҳсулотларни қайта савдога қўйиш қонун ҳужжатларида назарда тутилганлигини инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалига мувофиқ бўлиши шарт.

94. Буюртма беришдан олдин сотувчилар ва сотиб олувчиларнинг шахсий ҳисоб рақамига кафолат таъминоти маблағи киритилиши шарт. Киритиладиган кафолат таъминоти маблағи миқдори, қонун ҳужжатларига мувофиқ биржа томонидан белгиланган миқдордаги биржа ва ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг комиссия тўловларини, шунингдек биржа шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бузилиш эҳтимоли борлиги учун неустойка тўловини таъминловчи бўнакни ўз ичига олади.

Бунда:

Сотувчи томонидан биржа савдоларига қўйилган ва сотилмасдан қолган юқори ликвидли ва монополь турдаги маҳсулот ҳажмларини савдоларга қайта қўйишда мазкур ҳажмлар бўйича закат суммасининг 50 фоизи ўтказилади;

Мазкур Қоидаларнинг XXI. Биржа савдолари иштирокчиларининг ишончлилик рейтинги бўлимига мувофиқ юқори рейтингга эга иштирокчилар учун биржа савдоларида қатнашишда тузиладиган битимлар ҳажмидан қатъий назар умумий закат тўлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

*(94-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги ва 2024 йил 26 декабрдаги баённомаси таҳририда)*

95. БСЭТ шахсий ҳисоб рақамида етарли маблағи бўлмаган шахс манфаатида битимлар тузилишига йўл қўймайди.

96. Сотиб олиш учун буюртма у кимнинг номидан берилган бўлса, ўша шахс зиммасига намунавий биржа контракти ва берган буюртмасида белгиланган шартларда товар ҳақини тўлаш ва товарни танлаб олиш мажбуриятини юклайди.

97. Сотиб олиш учун буюртмада:

намунавий биржа контрактининг идентификация рақами;  
савдода сотиб олинadиган лотлар сони;

лот учун таклиф этилаётган нарх кўрсатилиши керак.

98. Қонун ҳужжатларида ёки биржа томонидан нарх ўзгаришининг чегаравий миқдори қатъий белгиланган товарлар бўйича сотиб олиш учун буюртма фақатгина мазкур чегаравий миқдорларга амал қилган ҳолда берилиши мумкин.

99. У ёки бу биржа товарини сотиб олувчиларга нисбатан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки ваколатли давлат органлари қарорлари билан белгиланган талабларига мувофиқ келмайдиган мижозлар номидан сотиб олиш учун буюртма берилишига йўл қўйилмайди.

100. Ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган параметрларни бузадиган буюртмалар берилишига йўл қўйилмайди.

101. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан алоҳида талаблар қўйилган биржа товарини сотиб олиш учун буюртма мижознинг мазкур товарни сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан асослантирилган бўлиши шарт.

102. Биржа аъзоси БСЭТга буюртма беришдан олдин биржа товарини потенциал сотиб олувчисидан тегишли ҳужжатларни олиши шарт.

103. Сотиб олиш учун буюртма биржа аъзоси томонидан биржа савдолари сессиялари жадвалида белгиланган сотувчи томонидан товар савдога қўйилгандан сўнг берилади.

104. Биржа аъзоси унинг томонидан берилган буюртмани қуйидаги ҳолларда қайтариб олишга ҳақли:

қайтариб олинган буюртма ўрнига юқорироқ нарх кўрсаткичли янги буюртма берилганда;

буюртмаси “буюртмалар стакани”дан тушиб қолганда (анча юқори нарх кўрсатилган рақобатчи буюртма берилганлиги ва ушбу буюртманинг нарх

параметрлари асосида битим тузиш мумкин бўлмаганлиги сабабли буюртманинг баҳоси ўз долзарблигини йўқотганда).

105. Сотиб олиш учун буюртма биржа аъзолари томонидан фақат рўйхатга олинган жойларида берилади.

106. Биржа савдолари аукцион шаклида ўтказилади.

Сотувчи маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш (контракт очиш) учун Листинг комиссиясига аризани тақдим этишда аризада савдолар давомида бошланғич нархдан паст нарх бериш бўйича буюртмаларни қабул қилиш имкониятини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, сотувчи ҳар савдодан олдин ўзининг шахсий кабинети орқали ЭРИдан фойдаланиб амалдаги контрактларида бошланғич нархдан паст нарх бериш имкониятини белгилаши мумкин.

Бунда: сотувчи бошланғич нархдан паст нарх бериш имкониятини 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда кўрсатади;

савдо жарёнида сотиб олиш учун берилган буюртмалар бошланғич нархга тенг, ундан юқори ёки бошланғич нархдан паст (кўрсатилган фоизгача) бўлиши мумкин;

бошланғич нархдан паст нархдаги битимлар “буюртмалар стакани”га мувофиқ савдога қўйилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда берилган энг баланд нархга нисбатан пасайиш тартибида шаклланади.

*(106-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

107. БСЭТ биржа аъзоларига рақобат асосида ўтказиладиган савдолар жараёнида асосли, шу жумладан нархни шакллантириш масалаларига оид қарорлар қабул қилиш учун “буюртмалар стакани”га кириш ҳуқуқини таъминлайди.

108. “Буюртмалар стакани” айна вақтда электрон савдо тизими комплекс дастурига киритилиши мумкин бўлган барча буюртмаларга оид нарх ва миқдорлар бўйича маълумотларни ўзида сақлайди.

109. БСЭТ биржа аъзосига ўзининг буюртмаларини ва уларнинг рақобатбардошлигини аниқлай олиши учун биржа аъзосининг буюртмасини алоҳида ранг ёки бошқа восита орқали ажралиб туришини таъминлайди.

110. Буюртмалари “Буюртмалар стакани”га киритилган бошқа биржа аъзолари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилмайди.

111. БСЭТ биржа савдолари ғолибларини биржа аъзолари томонидан биржа товари сотувчисининг манфаатида БСЭТга сотиш учун берилган буюртмаларни нарх параметрлари сотувчининг нарх параметрларига мувофиқ бўлган сотиб олиш учун берилган буюртмаларни бирлаштириш орқали жадвалда белгиланган биржа савдолари сессиялари вақтида аниқлайди.

*(106-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

112. Бунда биринчи навбатда сотувчининг буюртмаси билан энг юқори баҳони таклиф этган сотиб олувчиларнинг буюртмалари бирлаштирилади. Сотиб олувчилар томонидан бир хил баҳодаги буюртмалар берилган бўлса, биринчи навбатда рақобатчи буюртмаларга нисбатан БСЭТга эртароқ берилган буюртмалар билан

сотувчининг буюртмаси бирлаштирилади.

113. Биржа ходимлари ёки бошқа шахсларнинг биржа савдоларига аралашшига йўл қўйилмайди.

114. Буюртмаларни бирлаштириш ва биржа савдолари ғолибини аниқлаш жараёнига, шу жумладан рухсат берилмаган биржа дастури таъминотидан фойдаланган ҳолда аралаштириш нархларни манипуляциялаш деб баҳоланади.

115. Сотувчи ва сотиб олувчи томонидан битта шахсий ҳисоб рақамда битим тузилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек сотувчи ва харидор бўлиб иштирок этаётган битта брокерлик идораси томонидан битимни амалга оширилишига ҳам йўл қўйилмайди. Бундай битимни амалга ошириш нархларни манипуляциялаш деб баҳоланади.

116. Сессия давомида энг балан нарх кўрсатилган буюртмаларни бериш, кейинчалик сессия якунлангунга қадар ушбу буюртмаларни ўчириш, биржа товарининг нархларни манипуляциялаш деб баҳоланади.

*(116-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

117. Биржа савдолари иштирокчиларининг қўшимча даромад олиш мақсадида нархларни сунъий ўзгартиришга, бир даражада ушлаб туришга ва бошқа иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этишга қаратилган ҳаракатлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва Интернет тармоғида қасдан ёлғон маълумотлар тарқатиш нархларни манипуляциялаш деб баҳоланади.

Баланд нарх асосида шаклланган битимни расмийлаштирмаслик ҳолати савдоларга таъсир этиш омилларини инобатга олган ҳолда манипуляция деб топилиши мумкин.

Шунингдек биржа аъзоларининг қуйидаги қасдан қилинган ҳар қандай ҳаракатлари манипуляция деб ҳисобланади ва уларни амалга ошириш тақиқланади:

биржада сотилаётган юқори ликвидли ва (ёки) монопол маҳсулотнинг нархи, талабига, таклифига ва уни етказиб бериш шартларига сунъий равишда таъсир этиш, шу жумладан, олдиндан келишиш ва тил бириктиришлар орқали асоссиз фойда олиш, муайян иштирокчиларга савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, шунингдек, ахборотдан фойдаланиш орқали бошқа иштирокчиларга маҳсулотни сотиб олиш имкониятини чеклаш, биржа нархларининг кескин кўтарилиши, қатъий белгиланиши ёки бир даражада ушлаб туриш;

Интернет, ОАВ ва бошқа коммуникация каналларида, шу жумладан ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ёлғон маълумотлар тарқатиш;

савдо жараёнида муайян биржа аъзоси томонидан бошқа иштирокчилар нарх таклифига нисбатан ноодатий равишда тафовути йирик бўлган нарх таклифини бериш ва бунинг натижасида савдолар тугагунга қадар буюртмани ўчириш ёки тузилган битимни асоссиз равишда жаримани тўламаган ҳолда бекор қилиш.

Биржа, бўлиб ўтган савдолар натижасида, нархларнинг кескин ошиши, талаб ёки таклифнинг жиддий номуносивблиги ва манипуляция аломатлари қузатилганда,

монополияга қарши курашиш органини хабардор қилади.

*(117-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 18 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

118. Биржа савдолари алоҳида турдаги маҳсулотларни биржа савдоларида реализация қилишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан биржа савдоларини ўтказишнинг бошқа махсус шартлари белгиланиши мумкин.

119. Агар мижознинг буйруғини бажариш қонун ҳужжатлари ва (ёки) мазкур Коидаларнинг бузилишига олиб келса, биржа аъзоси мазкур буйруқни бажаришни рад этишга мажбур.

## **IX. БИРЖА БИТИМЛАРИНИ ВА БИРЖА САВДОЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

120. Қарама-қарши буюртмаларни бирлаштириш натижаси бўйича БСЭТ биржа савдо сессияси яқунланган пайтдан бошлаб бир соат ичида амалга оширилган битимларни шакллантиради ва рўйхатга олади, шундан сўнг Маклериат ва ҲККПга келиб тушадиган амалга оширилган битимлар (савдо баённомалари) реестрини шакллантиради.

121. Амалга оширилган битимлар (савдо баённомалари) реестрининг шакли биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

122. ҲККП биржа тарифларига мувофиқ биржа битимларини рўйхатга олганлик ва клиринг хизматлари кўрсатганлик учун биржа фойдасига комиссиян йиғим ундирилишини таъминлайди.

*(122-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

123. Биржа воситачилик йиғимлари битимнинг кейинчалик расмийлаштирилишидан қатъий назар ундирилади.

Ноодатий равишда тафовути йирик бўлган (мазкур контракт бўйича олдинги савдода шаклланган ўртача нархнинг 5 бараваридан юқори ҳамда энг баланд) нарх таклифини бериш орқали шаклланган ва расмийлаштирилмаган биржа битимлари бўйича воситачилик йиғими миқдори Интизом комиссияси қарорига асосан олдинги савдоларда шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиққан ҳолда ҲККП томонидан қайта ҳисобланиб чиқилиши мумкин.

*(123-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

124. Савдо сессияси яқунлари бўйича Маклериат амалга оширилган битимлар реестри асосида биржа филиалларининг маклерлари ва савдо майдончалари регистраторлари орқали биржа аъзоларига улар томонидан амалга оширилган барча биржа битимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

125. Биржа битими амалга оширилган битимлар реестри асосида БСЭТ томонидан намунавий биржа контрактида белгиланган шартларга мувофиқ

автоматик тарзда шакллантирилади.

126. Биржа битимида:

биржа савдоси санаси ва рақами;

биржа битими рақами;

биржа шартномаси томонлари (сотувчи ва сотиб олувчи)нинг реквизитлари;

битимни амалга оширган биржа аъзоларининг реквизитлари;

шартнома предмети;

товар номи;

биржа контрактининг рақами;

ўлчов бирлиги;

сон бирлиги;

бирлик нархи;

бирликнинг бошланғич нархи;

лот нархи;

лотнинг бошланғич нархи;

шартнома суммаси;

валюта;

кадоқлаш тури;

товарни етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш муддатлари ва шартлари;

тарафларнинг мажбуриятлари;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни биржанинг Арбитраж комиссиясида судгача хал этиш;

намунавий биржа контрактига мувофиқ алоҳида шартлар кўрсатилади.

127. Амалга оширилган барча биржа битимларини мажбурий расмийлаштириш талаб этилади.

128. Биржа савдолари ўтказилмаган ҳолда биржа аъзолари ўртасида тузилган биржа товарига тааллуқли битимларини биржа томонидан рўйхатдан ўтказишга йўл кўйилмайди.

129. Биржа аъзоси, савдо сессияси якунидан сўнг 1 (бир) иш соатдан кеч бўлмаган ҳолда, ўзи томонидан амалга оширилган барча битимларни текшириши, имзолаши, муҳр қўйиши ва биржа филиали маклерига (савдо майдончаси регистраторига) топшириши шарт.

Биржа аъзоси амалга оширган битимларини ЭРИни қўллаган ҳолда, ўз шахсий кабинети орқали имзолаши ҳам мумкин.

*(129-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрельдаги баённомаси таҳририда)*

130. Биржа аъзоси – сотувчи ва биржа аъзоси – харидорнинг биржа битими нусхалари биржа филиали маклерининг (савдо майдончаси регистраторининг) муҳри билан тасдиқланганидан кейингина битим расмийлаштирилган деб ҳисобланади.

Биржа аъзоси томонидан ЭРИ орқали имзоланган биржа битимлари, филиал маклери (савдо майдончаси регистратори) томонидан ҳам ЭРИ орқали имзоланади,

шундан сўнг биржа битимига БСЭТ ва битим тузилганини тасдиқловчи QR-код берилади.

*(130-банд “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

131. Биржа битимини расмийлаштириш битимни тузган биржа аъзоси жойлашган манзил бўйича амалга оширилади.

Биржа битимини расмийлаштириш, шунингдек, электрон кўринишда ЭРИдан фойдаланган ва QR-код берилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

132. Биржа битимлари нусхалари биржа аъзоси - сотувчи ва (ёки) биржа аъзоси - сотиб олувчи, шунингдек маклер ёки регистратор томонидан расмийлаштирилмаган холларда битим тузилмаган ҳисобланади.

133. Сотувчи ва сотиб олувчининг битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари биржа битими расмийлаштирилган пайтдан бошлаб пайдо бўлади.

134. Харидор манфаатларини кўзлаб иш юритаётган биржа аъзоси, биржа филиалининг маклери ёки савдо майдончасининг регистраторига қуйидагиларни тақдим этади:

мижоз билан тузилган топшириқ шартномаси (комиссия шартномаси);

биржа товарининг харид қилиниши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар қонунчиликда биржа товарини харид қилинишида бирон бир чекловлар кўзда тутилган бўлса).

Агар битим электрон шаклда ЭРИни қўллаган равишда расмийлаштирилса, юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг сканердан ўтказилган кўриниши биржа томонидан шахсий кабинетга харид учун сўровдан олдин юкланади.

135. Биржа экспорт/импорт битимини (экспорт/импорт шартномасини) рўйхатга олишда унга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ хос рақам берилади.

136. Ўтказилган биржа савдоси натижасида чет эл валютасида тузилган экспорт контракти ва миллий валюта сўмда ёки чет эл валютасида тузилган импорт контракти, биржа ёки унинг ваколатли органи (филиал, савдо майдончаси) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатга олинади. Бунда тузилган контрактлар ҳақидаги маълумотлар валюта оперециялари бўйича ягона информацион тизимга киритилади.

*(136-банд Кузатув кенгашининг 2019 йил 26 декабрдаги баённома таҳририда)*

137. Биржа аъзолари тузилган экспорт/импорт контрактларини битим бўйича тўлов муддати яқунланга қадар биржага тақдим этишлари шарт. Расмийлаштирилган контрактлар биржа томонидан ёки унинг филиалида (маклериат, савдо майдончаси томонидан) икки иш кунида рамийлаштирилиши лозим.

138. Эрталабки сессиялар яқунланганидан соат 15:00 га қадар, кечки сессиялар яқунланганидан эса кейинги кун соат 9:10 га қадар савдо майдончаси регистратори биржа филиалининг маклерига (худудий жойлашувига кўра) у томонидан расмийлаштирилмаган, шу жумладан мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган сабабларга кўра расмийлаштирилмаган биржа битимлари ҳақидаги маълумотни



юборади.

139. Эрталабки сессиялар якунланганидан соат 15:30 га қадар, кечки сессиялар якунланганидан эса кейинги кун соат 09:20 га қадар биржа филиалининг маклери Маклериатга (худудий жойлашувига кўра) унинг томонидан (шу жумладан мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган сабабларга кўра) расмийлаштирилмаган биржа битимлари тўғрисидаги маълумотни, шунингдек савдо майдончаси регистраторидан олинган маълумотни юборади.

140. Маклериат савдолардан кейинги кун соат 09:25 дан кечикмаган ҳолда маълумотларни қайта ишлайди ҳамда расмийлаштириш учун топширилмаган ва ЭРИдан фойдаланган ҳолда электрон равишда расмийлаштирилмаган биржа битимлари тўғрисидаги маълумотни айбдор брокерга нисбатан чора кўриш учун Интизом комиссиясига, ушбу битимларни клирингга киритилишига йўл қўймаслик мақсадида ХҚКПга, шунингдек, низо бор-йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу қоидаларнинг 147-бандида кўзда тутилган ҳолатларни кўриб чиқиш учун Арбитраж ёки Интизом комиссиясига юборади.

141. ХҚКП Маклериатнинг ҳарбарномасида кўрсатилган битимларни клирингга киритмайди ва ушбу битим томонларнинг пул маблағларини озод қилади, мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган низоли ҳолатлар бундан мустасно.

142. Мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган низоли ҳолатларда, ХҚКП томонларнинг пул маблағларига Арбитраж комиссияси томонидан қарор чиқарилгунга қадар банд солиб қўяди.

143. Амалга оширилган биржа битимларини белгиланган муддатда расмийлаштириш учун қабул қилиб олиш, имзо қўйиш ва/ёки филиал маклерига (савдо майдончаси регистраторига) топшириш брокер томонидан рад этилганда, шу жумладан, сўров хатолик билан топширилганда ҳамда ЭРИдан фойдаланган ҳолда электрон равишда расмийлаштиришдан, шунингдек, мазкур қоидаларнинг 147-бандида кўзда тутилган битимларни амалга ошириш учун ёки биржа (савдо майдончасининг) олди-сотди шартномасини расмийлаштиришдан бош тортилганда, айбдор тарафдан жарима ундирилади.

144. Биржа филиалининг маклери ёки савдо майдончаси регистратори биржа битимларини расмийлаштиришдан бош тортган тақдирда (мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно), биржа аъзоси қонун бузилишини кўриб чиқиш учун биржага ариза билан муурожаат қилишга ҳақли.

Ариза биржага келиб тушган пайтдан бошлаб бир кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Битимни расмийлаштириш асосиз равишда рад этилган бўлса, у биржа томонидан дарҳол расмийлаштирилади. Биржа филиалининг маклери ёки савдо майдончаси регистратори томонидан битимни расмийлаштириш асосиз рад этилганлиги учун биржадан ёки савдо майдончасидан жабрланган биржа аъзоси фойдасига жарима ундирилади.

145. Биржа аъзосига нисбатан жарима қўллаш ҳақидаги қарор Интизом комиссияси томонидан қабул қилинади. Интизом комиссиясининг қарори биржа

аъзосига юборилади.

146. Қўлланилган жарима ўн банк иш куни ичида тўланмаса, айбдор биржа аъзоси жарима тўлиқ тўланганга қадар биржа савдоларидан четлаштирилади.

147. Битим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ваколатли давлат органлари қарорлари талабларига зид равишда амалга оширилган бўлса, шунингдек мижоз - харидор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ваколатли давлат органлари қарорларига мувофиқ келмаса, биржа филиалининг маклери ва савдо майдончаси регистратори биржа битимини расмийлаштирмайди.

148. Мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган қоида бузилишлари бўйича низо вужудга келган тақдирда, ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги фактини тасдиқлаш ёки инкор этиш мақсадида, низолар Арибитраж комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Қонун бузилиш ҳолати мавжудлиги факти инкор этилганда, Арбитраж комиссияси биржа томонидан битимдан бандни ечиш бўйича қарор қабул қилади, бу ҳақда томонларга, Маклериатга ва ХККПга хабар берилади. Қонун бузилиш ҳолати мавжудлиги факти тасдиқланганда, Арбитраж комиссияси битимни амалга оширилмаган деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни ХККПга томонларнинг пул маблағларига солинган бандни ечиш учун, Интизом комиссиясига айбдор биржа аъзосига чора кўриш учун юборади.

149. Мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган қонун бузилишлар юзасидан низо мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур ҳолатларни Интизом комиссияси кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилади.

150. Биржа аъзоси томонидан мижознинг кўрсатмаси (буйруғи)га зид равишда битим тузилганлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлган тақдирда, мижоз биржа аъзосининг жавобгарлигини белгилаш ҳақида Интизом комиссиясига ариза билан мурожаат қилишга, шунингдек биржа аъзосидан ўзига етказилган зарарни суд тартибида ундиришни талаб қилишга ҳақли.

151. Мазкур Қоидаларнинг 147-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, биржа томонидан расмийлаштирилган битимларни томонларнинг ўзаро розилиги билан бекор қилиш ҳақидаги ариза ва мурожаатлар куриб чиқилмайди.

152. Биржада савдоларнинг ўтказилишини ёки меъёрдагидек ўтказилишини бузадиган, биржа товарлари билан савдо ўтказилиш имкониятидан маҳрум қилувчи ёки биржа аъзоларининг савдоларда иштирок этишига тўсқинлик қилувчи фавқулодда ҳолатлар юз бериши натижасида биржа савдолари ўтказилмаган деб топилиши, унинг натижалари эса бекор қилиниши мумкин.

153. Савдолар ўтказилмаган деб топилган тақдирда биржа томонидан комиссия йиғимлари ундирилмайди.

154. Фавқулоддаги ҳолатларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши ёки уларга ҳар қандай ўзгартириш киритилиши;

қонун ҳужжатлари билан биржага берилган ваколатларига киритилган масалалар

бўйича давлат бошқаруви органларининг биржага юборилган фармойиш ёки кўрсатмалари;

ёнғин ёки бошқа бахтсиз ходисалар;

биржа эгаллаган биноларнинг бузилиши ёки уларга жиддий шикастетказилиши;

биржанинг ихтиёрида бўлган техник воситалар билан нормал ҳолатга келтириш имкони бўлмаган электр энергиясининг ўчиши ёки унинг етказиб берилишидаги узилишлар бўлиши;

ҳисоблаш техникалари, оргтехника, алоқа воситалари, шу жумладан телекоммуникациядаги дастурий таъминотнинг яроқсизлиги ёки ишдан чиқиши;

биржа ходимлари ва (ёки) трейдерлар, биржа аъзоларининг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган биржа биносида содир бўлган ҳар қандай ҳодисалар;

савдоларни меъёрдагидек ўтказиш имкониятидан маҳрум қиладиган фавқулодда, кутилмаган ва бартараф этиб бўлмайдиган мазмунга эга бўлган ҳар қандай бошқа ҳодисалар.

155. Натижалари бекор қилинган биржа савдолари чоғида амалга оширилган битимлар амалга оширилмаган деб ҳисобланади ва уларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

156. Бекор қилинган миқдорлар сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

## **Х. КЛИРИНГ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

157. Биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар биржанинг ҲККП орқали амалга оширилади.

158. ҲККП биржанинг таркибий бўлинмаси бўлиб, юридик шахс мақомига эга эмас ва Ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш Қоидаларида кўзда тутилмаган бирор-бир мустақил операция ва ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқсиз биржа номидан фаолият юритади.

159. Клиринг иштирокчилари ва ҲККП га ҲККП ҳисоб-рақамида бўлган маблағлардан фойдаланган ҳолда пуллик талабларни ўтказиш бўйича операцияларни амалга ошириш таъқиқланади.

160. Ҳисоб-китобни амалга ошириш мақсадида, биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидор ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш, биржа битимлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун талаб қилиб олунгунга қадар иккиламчи депозит рақам очилади.

161. Сотувчи ва сотиб олувчиларнинг талаб қилиб олингунга қадар иккиламчи депозит ҳисоб рақамидаги маблағлари ҳаракатини назорат қилиш учун ҲККП ҳар бир сотувчи ва сотиб олувчи учун тегишли фойдаланувчининг индивидуал рақамига (бундан буён ФИР деб юритилади) мувофиқ бўлган алоҳида шахсий ҳисоб рақам очади.

162. Сотувчи ва сотиб олувчиларнинг маблағлари ҲККП талаб қилиб

олингунгача иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ушбу шахсий ҳисоб рақамда ҳисобга олиб борилади.

163. ҲККП биржа аъзоларини уларга хизмат кўрсатиш шартлари ва маблағларининг ҳолати ҳақида ўз вақтида ҳарбардор қилиб туриши шарт.

164. ҲККП мижозларнинг шахсий ҳисоб рақамлари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилишига йўл қўйилмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

165. Клиринг иштирокчиси пул маблағларини бўнак сифатида ва/ёки битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадида ҲККП нинг хизмат кўрсатувчи банкидаги иккиламчи ҳисоб-рақамларига уларни шахсий ҳисоб-рақамга киритиш учун ўтказиши. Ҳар бир контракт бўйича бўнак миқдори, агар қонунчиликда бошқаси назарда тутилмаган бўлса, сотувчи томонидан намунавий контрактнинг спецификациясига қараб белгиланади. Бўнак жарима сифатида ундирилганда, унинг миқдори шартноманинг умумий суммасилан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

166. Харидорлар сақлаётган бўнаклар ва биржанинг комиссия йиғимларини ҳисобга олган ҳолда кўзланган тўловнинг маблағлари миқдорида биржада битимларни тузишга ҳақли бўлади.

167. ҲККП нинг шахсий ҳисоб-рақамида мавжуд бўлган маблағлар қуйидаги мақсадларда сарф этилади:

улар ўртасидаги биржа битимлари ва тузилган шартномаларни бажариш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

савдо сессияларида иштирок этиш учун олдиндан тўлов сифатида;

биржа хизматлари, брокерлик мукофотларини тўлаш бўйича ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун;

мижоз топшириғига асосан – клиринг иштирокчисининг ваколатли

банкдаги ҳисоб рақамига қайтариш учун;

қонунчиликка мувофиқ ҳолда тузилган экспорт (импорт) битимларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш учун;

битимларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолларда.

Битимлар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг электрон тизими орқали амалга оширилади.

168. Биржа битими рўйхатдан ўтказилганидан сўнг, харидор шартномада белгиланган муддат ичида ҲККПнинг биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамига, рўйхатдан ўтказилган битим билан боғлиқ молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун етарли қўшимча маблағларни ўтказиши лозим.

169. ҲККП харидордан маблағлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир банк куни ичида, тўлов ўтказилган битимлар рўйхатини шахсий кабинет орқали тақдим қилиши шарт.

170. Агар харидор битимда белгиланган муддат ичида маблағларнинг тўлиқ

ўтказиб берилишини таъминламаса, ҲҚКП битимни бекор қилади ва сотувчининг ҳисоб рақамига жарима санкциялари сифатида, бўнак ҳажмида маблағ ўтказилади.

171. Агар сотувчи битимда маҳсулотни харидорга юклаш муддатлари бўйича кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаса, ҲҚКП Арбитраж комиссиясининг қарори ёхуд сотувчининг топшириғи билан битимни бекор қилади ва харидорнинг ҳисоб рақамига жарима санкциялари сифатида, битимда белгиланган бўнак ҳажмида маблағ ўтказилади.

172. ҲҚКП томонидан тақдим этилган тўлов амалга оширилган битимлар реестри сотувчи учун маҳсулотни юклаб жўнатишга асос бўлади.

Монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотларнинг юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларини юклаб жўнатиш кун шартномада белгиланган муддатлар доирасида амалга оширилган тўловларнинг тартибига кўра харидор томонидан шахсий кабинет орқали аниқланади.

Монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар биржа товарини тўловлар амалга оширилган битимлар рўйхатига асосан электрон логистика савдо порталидан шахсий кабинетга тушган (автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси ва бошқа) маълумотларга мувофиқ юклаб жўнатишни таъминлайди.

*(172-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2022 йил 17 январдаги баённомаси таҳририда)*

173. Сотувчи сотиб олувчи ўз мажбуриятларини бажарганлиги ҲҚКП томонидан тасдиқланмасдан маҳсулотни етказиб берган тақдирда, биржа битими бўйича сотиб олувчи ўз мажбуриятларини виждонан бажармаганлиги учун биржа жавобгарликни зиммасига олмайди.

174. Сотувчининг юкни жўнатилганлиги ҳақидаги маълумоти, харидор брокери ва харидорнинг шахсий кабинетида акс этувчи электрон кўринишда ҲҚКПга келиб тушади. Сотувчи берган маълумот нотўғри бўлган тақдирда, харидор юклаб жўнатиш бўйича ўзининг эътирозини билдиришга ҳақли бўлади.

175. Маҳсулот темир йўл транспортида юклаб жўнатилганлиги фактини темир йўл юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

176. Экспорт контрактлари бўйича маҳсулот юклаб жўнатилган кун бўлиб БЮД (божхона юк декларацияси) расмийлаштирилган сана ҳамда сотувчи ва сотиб олувчи томонидан имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган кун ҳисобланади.

177. Импорт контрактлари бўйича маҳсулот юклаб жўнатилган кун бўлиб, БЮД (божхона юк декларацияси) расмийлаштирилган сана ҳамда темир йўл юк хати, инвойснинг нусхаси ҳисобланади.

178. Сотувчи томонидан тақдим этилган счет-фактура ёки юк хати ҲҚКП учун бир банк иш кун ичида сотиб олувчининг шахсий ҳисоб рақамидан маблағларни сотувчининг шахсий ҳисоб рақамига, кейинчалик сотиб олувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш ва битимни ёпиш учун асос бўлади.

179. Биржа савдолари ғолибларига маҳсулотларни етказиб бериш, битимда кўрсатилган муддатларда сотувчининг жадвали асосида амалга оширилади.

180. Экспорт шартномалари бўйича сотувчининг брокери томонидан, харидор ва сотувчининг имзоси қўйилган юк хатининг битта асл нусхасининг тақдим этилиши Клиринг электрон тизими орқали сотувчининг талаб қилиб олгунга қадар иккиламчи (транзит) депозит ҳисоб рақамига чет эл валютасида пул маблағини жўнатишга асос бўлади.

181. Сотувчи – клиринг иштирокчиси ҲҚКПга маҳсулот юкланган вақтдан бошлаб уч кундан, лекин шартномада етказиб беришнинг охириги куни деб кўрсатилган кундан кейинги кундан кечикмаган ҳолда маълумот етказиши керак. Ушбу маълумот ҲҚКПнинг электрон клиринг тизими ва харидорнинг шахсий кабинетида электрон шаклда, ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади. Ушбу битим бўйича харидор ва сотувчининг пул маблағи МКТда ишлов берилгунга қадар блокда туради.

Клиринг электрон тизими клиринг иштирокчиси бўлган сотувчига, клиринг иштирокчиси бўлган харидор томонидан ҳеч қандай эътироз мавжуд бўлмаса, МКТ ишловидан кейин тўловни амалга оширади. Харидор етказиб беришга оид изоҳларини сотувчи томонидан маҳсулот юкланганлиги тўғрисида маълумот берилганидан сўнг олти соат ичида жўнатиши мумкин. Олти соат ичига, фақат сотувчидан маълумот келиб тушган вақтдан кейинги иш вақтидаги соатлар киради.

182. Импорт контрактлари бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси “сўм”да амалга оширилади.

*(182-банд Кузатув кенгашиинг 2019 йил 26 декабрдаги баённома асосида ўз кучини йўқотган)*

183. Агарда импорт контракти Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикасига келиб тушган ва у сотиб олувчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан кейин ҲҚКП пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси “сўм”да сотувчи – норезидентнинг ҲҚКПдаги ҳисобига ўтказиши мумкин. Мазкур маблағлар сотувчи томонидан қуйидаги мақсадларда ишлатилиши мумкин:

*(183-банднинг биринчи хатбоши Кузатув кенгашиинг 2019 йил 26 декабрдаги баённома таҳририда)*

биржа савдолари ва кўргазма-ярмаркаларда тузилган экспорт контрактлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун;

бевосита биржа контрактларини тузиш ва бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни тўлаш учун (комиссион йиғимлар, брокерлик мукофотлари, транспортировка ва х.к.);

биржа битимлари бўйича кафолатли таъминот киритиш билан ҳисоб-китобни амалга ошириш, шу жумладан жарима, пеня ва бошқа ҳаражатларни тўлаш учун;

суд ҳаражатларини тўлаш учун.

184. Мижознинг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда битимлар бўйича етказиб бериш ва тўлаш муддатларини узайтириш учун топшириқлар, қоғозли кўринишдаги топшириқларга тенглаштирилади.

185. Биржа битимини ёпиш, тўловларни ўтказиш, томонларнинг жавобгарлиги биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон республика товар-хом ашё

биржаси” АЖ да Биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш қоидаларида кўзда тутилган.

## **XI. БИРЖА ТОВАРЛАРИНИ КОТИРОВКАЛАШ (НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ) ТАРТИБИ**

186. Биржа товарларини котировкалаш бўлиб биржа товарларининг ўртача ҳисобланган баҳосини аниқлаш ҳисобланади.

187. Котировкалаш қуйидагича амалга оширилади:

сотилган қилинган ҳар бир товар турининг нави, синфи, маркаси, хили ва бошқа хусусиятлари бўйича автоматик режимда;

ўтказилган биржа савдолари натижаси бўйича бир ҳафта ичида;

бир ойда камида бир марта сотиладиган товарларга нисбатан амалга оширилади.

188. Ҳар бир биржа товарини уларнинг нави, синфи, маркаси, хили ва бошқа хусусиятларига қараб маълум товарлар турига киритиш, контракт спецификацияси томонидан сотувчининг буюртмасига мувофиқ белгиланади.

189. Ҳисобот ҳафтаси учун реализация қилинган ҳар бир турдаги товарларни котировкалаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$Sc = (X1 \times Y1 + X2 \times Y2 + \dots + Xn \times Yn) / (X1 + X2 + \dots + Xn)$$
, бунда:

Sc - ўртача ҳисобланган баҳо;

X1, X2, Xn- ҳисобот даври (ҳафта) давомида реализация қилинган товарлар миқдори;

Y1, Y2, Yn - ҳисобот даври (ҳафта) давомида реализация қилинган товарлар баҳоси.

190. Ҳар бир турдаги товар бўйича котировкалаш ҳисобот ҳафтасида тузилган барча битим кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

191. Биржа савдоларида ҳафта давомида (душанба-жума) амалга оширилган битимлар бўйича котировкалаш кейинги ҳисобот ҳафтасининг душанба куни соат 17:00 га қадар амалга оширилади.

192. Кейинги ҳисобот ҳафтасининг душанба куни соат 17:00 дан бошлаб биржа ўзининг веб-сайтида котировкалаш бўйича маълумотларни жойлаштиради ва уни оммавий ахборот воситаларига ҳамда ўзининг информормацион бюллетенлари обуначиларига тақдим этади.

## **XII. БИРЖАДА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

193. Савдо сессияси ўтказилишидан олдин биржа битимларини тузишда биржада мазкур товар тури бўйича мазкур савдо сессиясида битимлар баҳоси тебранишининг чегаравий миқдори ўрнатилиши мумкин. Баҳо тебранишининг чегаравий миқдори биржа Бошқаруви томонидан ўрнатилади. Савдо иштирокчилари томонидан битимларнинг баҳолар тебраниши лимитларига риоя этилишини биржа назорат қилади.

194. Листинг комиссияси товарни биржа савдосига қўйиш учун рухсат беришда кўпчилик потенциал сотиб олувчилар томонидан товар сотиб олинишини имкониятини таъминлаш заруратидан ва рақобатнинг максимал даражасидан келиб чиқиб лот қийматини белгилайди.

195. Биржада қуйидагилар тақиқланади:

битим тарафлари айнан бир шахс бўлган товарлар билан битим тузиш;  
баҳолар динамикасига таъсир қилиш мақсади бўлган бир шахс томонидан бевосита ёки сохта шахс орқали товарлар олди-сотди битимларини тузилиши;  
биржа аъзоларининг нархларни сунъий равишда ўзгартирилишига ёки қатъий қилиб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган келишилган хатти-ҳаракатлар;  
бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва била туриб ёлғон маълумотларни таркатиш.

### **XIII. БИРЖА САВДОЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ**

196. Биржа биржа савдолари ва уларнинг натижалари бўйича ахборотни ошкор этилишини таъминлайди.

197. Биржа ўзининг веб-сайти орқали очик ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

198. Биржа Бошқаруви биржа савдолари иштирокчилари, шунингдек, савдоларда иштирок этмайдиган ташкилотларга ахборот хизматини кўрсатишнинг шартлари ва тарифларини мустақил белгилайди.

199. Биржа қуйидаги ахборотларни оммавий тарзда ошкор этади:

биржа савдосига қўйилган товарлар ҳақидаги ахборотни (котировкалаш варағи);  
биржа товарларининг ўртача ҳисобланган баҳоси ҳақидаги ахборотни;  
биржа аъзолари тўғрисидаги ахборотни, улар билан боғланиш маълумотларини кўрсатган ҳолда;

биржа тарифлари тўғрисидаги ахборотни.

Биржа ўзининг расмий веб-сайтида биржа фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва биржанинг локал ҳужжатлари матнларининг мавжуд бўлишини таъминлайди.

200. Биржа савдоларини ўтказиш ҳақидаги ахборот биржанинг корпоратив чатида эълон қилинади ва биржа аъзоларининг эътиборига хавола қилинган деб ҳисобланади.

201. Қуйидаги маълумотлар тижорат сирини ташкил килади:

биржа битимининг мазмуни (товар номи, миқдори, баҳоси, тузилган вақти ва битимни тузган биржа аъзолари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари);

ҲККП мижозларининг ҳисоб рақами бўйича операциялар, шу жумладан хизмат кўрсатишда мижознинг пул маблағлари мавжудлиги ва (ёки) уларнинг айланиши тўғрисидаги маълумотлар;



мижоз топширигининг мазмуни;

биржа битимлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши, шу жумладан тўланган битимлар реестри ва (ёки) етказиб бериш ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар;

202. Тижорат сирини ҳар қандай шаклда (оғзаки, ёзма ёхуд бошқа шаклда, шу жумладан техника воситаларидан фойдаланган ҳолда) ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

203. Тижорат сиридан фойдаланиш тартиби ва ушбу тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шунингдек тижорат сиридан фойдаланишга рухсат олган шахсларни ҳисобга олиш биржа Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

204. Биржа Бошқаруви томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат сирини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилади.

205. Биржа аъзоси унга ошкор бўлган ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни, шу жумладан мижоз билан муносабат тугатилгандан кейин ҳам сир сақлашга мажбур.

206. Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг миқдори, котировкаси (баҳоси), биржа битими тузилган санасидан ташқари) учинчи шахсларга ошкор қилинмайди. Биржа битимлари тўғрисида ахборот судларга, кузгатилган жиноят иши мавжуд бўлганда эса суриштирув ва тергов органларига тақдим этилади.

207. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ биржа битимининг мазмуни тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Биржа битими тўғрисидаги маълумот қонун ҳужжатларига мувофиқ унга юкланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига унинг талабига биноан тақдим этилади.

Биржа мониторинг ва назоратни амалга ошириш мақсадида биржа аъзосининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан биржанинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича зарур ҳужжатлар ва маълумотни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

*(207-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

#### **XIV. БИРЖА САВДОСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

208. Мазкур Қоидалар талабларини бузган Биржа ва унинг ходимлари ва уларнинг трейдерлари, шунингдек савдо майдончаси ва уларнинг регистраторлари белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

209. Биржа аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 06.11.2009 йилда 2038-рақам билан рўйхатга олинган Жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 501-модда) (кейинги ўринларда Ички назорат қоидалари деб аталади) риоя этиш барча биржа аъзолари, уларнинг трейдерлари учун ҳаммажбурий ҳисобланади ва Ички назорат қоидаларига риоя этмаслик мазкур Қоидаларни бузиш деб ҳисобланади.

210. Ундириш жазо чораси жавобгарлик чораси ҳисобланади ва у янги ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

211. Биржа аъзолари ва савдо майдончалари томонидан мазкур Қоидалар талабларининг бузилиши биржанинг Интизом комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Интизом комиссияси ўз фаолиятини биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган Интизом комиссияси тўғрисидаги низом асосида амага оширади.

212. Интизом комиссияси биржа битимлари бўйича мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмайди.

213. Ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда Интизом комиссияси қуйидаги жазо чораларини қўллашга ҳақли:

огоҳлантириш;

жарима;

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштириш;

савдо майдончаси регистратори ваколатини тўхтатиш.

214. Интизом комиссиясининг қарори биржа аъзолари, савдо майдончалари ва биржанинг таркибий тузилмалари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

215. Ички назорат қоидалари талабларини бажармаганлик, биржада Ички назорат қоидалари билан белгиланган шубҳали операцияларни амалга оширган миждозга нисбатан, шу жумладан гумонли операциялар бўйича Департаментга хабар бермаганлик учун биржа аъзоси ва унинг трейдерига нисбатан жарима ва/ёки биржа савдоларидан четлаштириш жазо чораси қўлланилади.

*(215-банди “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

216. Жарима тарзидаги жазо чораси мазкур Қоидаларининг XV бўлимида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади.

Жарима кимнинг фойдасига ушдирилиши кўрсатилмаган бўлса, ушбу жарима биржа фойдасига ундирилади.

Жарима айбдор тарафдан ундирилади.

217. Интизом комиссиясининг жарима қўллаш ҳақидаги қарорини ихтиёрий ижро қилиш учун биржа аъзосига 10 иш куни берилади. Ушбу муддат ўтганидан кейин қарор ихтиёрий ижро қилинмаса, биржа аъзоси ва унинг трейдери қарор ижро қилингунга қадар биржа савдоларидан четлаштирилади. Қарор ижро қилинмаса, жарима қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

*(217-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

218. Биржа аъзоси трейдерга нисбатан жарималар кўринишидаги жазо

қўлланилган савдо қатнашчилари учун ЭСБТга кириш ҳуқуқини тиклаш Тартиб-интизом комиссиясининг қарори ижро этилгандан кейин амалга оширилади.

219. Биржа аъзоси ўз мижозининг топшириғини бажармаганлиги учун, башарти бундай топшириқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва (ёки) мазкур Қоидаларга зид бўлса, шунингдек биржа бозорида юзага келган конъюктура туфайли уни ижроқилишни иложи йўқ бўлган ҳолларда жавобгар бўлмайди.

220. Тўғри буюртма бериш ва нотўғри берилган буюртма натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар учун, шунингдек, биржа битимини мижозининг буйруғини бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун жавобгарлик тўлиқ биржа аъзосининг зиммасида бўлади.

221. Биржа аъзосининг мижози ёки биржа савдосининг бошқа ҳар қандай иштирокчисининг, ўзининг трейдерининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли биржага етказилган зарар учун биржа аъзоси жавоб беради. Шунингдек биржа аъзоси биржа битимини бажармаганлик ёки биржа битимини расмийлаштирмаганлик учун сотувчига ёки сотиб олувчига биржанинг комиссиясига йиғимларини тўлайди.

222. Мижоз топшириғининг бажарилиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек мазкур Қоидаларнинг талабларини бузилишига олиб келса, бундай ҳуқуқбузарлик учун биржа аъзоси жавоб беради.

223. Мижознинг топшириғига кўра биржа аъзоси томонидан биржа савдосида тузилган биржа битими бўйича мажбурият бузилганлиги учун жавобгарлик мижоз зиммасига юкланади.

224. Биржа аъзоси томонидан биржа савдосида тузилган биржа битими бўйича мижоз топшириғининг бузилиши натижасида мажбурият бузилганлиги учун жавобгарлик, мижознинг талаби билан биржа аъзоси зиммасига юкланиши мумкин.

225. Биржа аъзоси томонидан мазкур Қоидалар бузилган ҳолларда, мижоз биржадан биржа аъзосини интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўришни талаб қилишга ҳақли.

226. Биржа ходимлари томонидан мазкур Қоидалар талаблари бузилган ҳолларда биржа аъзоси ёки унинг мижози ушбу ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳақида биржага ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ариза у келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида кўриб чиқилади, биржа филиалининг маклери томонидан биржа битимини расмийлаштиришни рад этилганлиги билан боғлиқ аризалар бундан мустасно.

Биржа ходими томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тасдиқланса, биржа мазкур Қоидаларга ва «ЎзРТХБ» ички меҳнат қоидаларига мувофиқ чоралар кўради ва бу ҳақда аризачига маълум қилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этилмаган бўлса, биржа бу ҳақида аризачига асосланган ҳолда маълум қилади.

Биржанинг қароридан норози шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржанинг ҳаракатларига нисбатан шикоят беришлари мумкин.

## **XV. БИРЖА САВДОСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН КЎРИЛАДГАН ЧОРАЛАР**

227. Биржага биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш билан боғлиқ тўлиқ маълумот тақдим этмаслик –

базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

228. Мижоз топшириғини электрон рўйхатга олиш журналида олдиндан рўйхатдан ўтказмасдан туриб бажариш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жаримасолиниши учун сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларни жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этиш –

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини 6 ойгача бўлган муддатга савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

*(228-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

229. Логин ва парол эгасига алоқаси бўлмаган биржа аъзоси ва бошқа шахслар томонидан савдо майдончалар трейдерлар ва регистраторларнинг логин ва пароларидан фойдаланиш, худди шунингдек ўз логин ва паролни бошқа шахслар ва биржа аъзоларига бериш-

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(229-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2019 йил 26 декабрдаги баённома таҳририда)*

230. Савдо майдончаси регистратори томонидан биржа филиалининг маклерига расмийлаштирилмаган биржа битимлари тўғрисидаги маълумотларни юбормаслик –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

231. Биржа аъзоси томонидан биржа битимининг бажарилмаслиги ёки расмийлаштирилмаслигига сабаб бўлган ҳаракатларни амалга оширилиши, шу жумладан, ўзи амалга оширган биржа битимларини белгиланган муддатда расмийлаштириш учун қабул қилиб олиш, имзо қўйиш ва/ёки филиал маклерига (савдо майдончаси регистраторига) топшириш рад этилиши, дислокациядан ташқари ва лимитдан ортиқ БСЭТга сўров бериши, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёки ваколатли давлат органларининг қарорлари билан биржа товарларининг харидорларига нисбатан ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлмаган мижоз-харидор номидан биржа битимини амалга оширилиши -

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида жаримага сабаб бўлади.

Жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шу қоидабузарликнинг қайта содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробари миқдорида жаримага сабаб

бўлади.

Икки маротаба жазо қўллангандан кейин бир йил давомида худди шу қоидабузарликнинг қайта содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг олти баробари миқдорида жаримага сабаб бўлади.

Уч маротаба жазо қўллангандан кейин худди шу қоидабузарликнинг қайта содир этилиши –

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини 6 ой муддатгача савдолардан четлатилишига асос бўлади.

232. Маклер ёки савдо майдончаси регистратори тимсолида биржа томонидан битимнинг расмийлаштиришини рад этилиши ёки мазкур қоидаларнинг 147 бандига ҳилоф равишда амалга оширилган битимни расмийлаштирилиши -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, маклер ёки савдо майдончаси регистратори тимсолида биржа томонидан битимни расмийлаштиришни рад этган тақдирда, жабрланган биржа аъзоси фойдасига биржа ёки савдо майдончасидан жарима ундирилади.

Шундай ҳаракатларнинг регистратор томонидан жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этилиши -

регистраторнинг ваколатини 6 ойгача муддатга тўхтатишга сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларнинг биржа филиалининг маклери томонидан жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этилиши-

меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жазо чораси қўллашга сабаб бўлади.

*(232-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

233. Биржа томонидан биржа аъзоларига ёки уларнинг мижозларига топширилиши шарт бўлган маълумотларни, шу жумладан амалга оширилган битимлар ҳақидаги маълумотларни ва тўланган битимлар реестрини тақдим этмаслик-

жабрланган томон фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларнинг биржанинг масъул ходими томонидан биржадан жарима ундирилгандан кейин бир йил ичида қайта содир этилиши-

меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жазо чораси қўллашга сабаб бўлади.

234. Нархларни манипуляция қилиш ҳамда ички инсайдерлик маълумотларидан фойдаланиш -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларни жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этиш -

биржа аъзоси ва унинг трейдерини 6 ойгача бўлган муддатга савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

235. Тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этиш -

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдорида жарима солишга

сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларни жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этиш -

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини 6 ойгача бўлган муддатга савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

236. Хужжат ва шартномаларни сохталаштириш, улардан сохталаштирувчи шахснинг ўзи ёки ҳар қандай ўзга шахс манфаатларида фойдаланиш, бундай ҳужжатни ёки шартномани топшириш, ҳамда ундан фойдаланиш, аввалдан сохталиги маълум бўлган ҳужжат ёки шартномани рўйхатга олиш –

биржа аъзоси ва унинг трейдерларининг савдолардан 1 йилгача муддатга четлатилишига, регистратор ваколатларининг 1 йилгача муддатга тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

237. Компьютер терминалидаги пломба (стикер)ларни узиш, компьютер техникаларини рўйхатга олиш регламентига мувофиқ ҳисоботдан ўтган компьютер терминалининг савдо майдончаларида йўқолиши ёки мавжуд бўлмаган тақдирда -

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларни қайта содир этиш -

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини 6 ойгача бўлган муддатга савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

*(237-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

238. Биржа аъзолари трейдерлар учун ўрнатилган Одоб-ахлоқ қоидалари талабларини бузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай ҳаракатларни жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида қайта содир этиш -

биржа аъзоси ва унинг трейдерларини 6 ойгача бўлган муддатга савдолардан четлаштиришга ва регистратор ваколатларининг 6 ой муддатгача тўхтатилишига сабаб бўлади.

239. Биржа ва унинг ходимларининг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ёлғон, тасдиқланмаган ёки инсайдерлик маълумотларини, асосланмаган миш-миш, ғийбат ва тухматларни тарқатиш –

биржа аъзоси ва унинг трейдерларининг савдолардан 1 йилгача муддатга четлатилишига, регистратор ваколатларининг 1 йилгача муддатга тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

240. Биржада ускуналарни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ рўйхатдан ўтган компьютер терминалига, шунингдек масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш учун фойдаланиладиган компьютер қурилмаларига шу жумладан электрон почта орқали биржа томонидан ўрнатилган тизимлардан фарқ

қиладиган операцион тизимлар (ёрдамчи дастурлар, скриптлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар), ўрнатиш ва/ёки уларни сақлаш, шунингдек савдо пайтида фойдаланиш, биржанинг локал тармоғига ва савдо давомида ускуналарни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳисобдан ўтмаган компьютер терминалларида фойдаланиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга асос бўлади.

Жазо қўлланилгандан кейин ушбу бандда кўрсатилган ҳуқуқбузарлик қайта содир этилган бўлса

– биржа аъзоси ва унинг трейдерлари 2 йил муддатга биржа савдоларидан четлаштирилишига олиб келади.

*240-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

241. Мазкур Қоидалар талабларини бошқа тарзда бузиш -

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

## **XVI. ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАРИМА**

242. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши бўйича масъул шахсни тайинламаслик-

масъул шахс тайинлангунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

243. Ўзининг тасдиқланган ички назорат қоидаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларининг мавжуд эмаслиги –

чора-тадбирлар тасдиқланган пайтга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

244. Масъул шахс тайинланганлиги ҳақидаги маълумотни тайинланган пайдан бошлаб 3 кун ичида биржанинг ваколатли ходимига тақдим этмаслик, шунингдек, биржанинг ваколатли ходимига камида бир йилда бир марта ўз фаолияти натижалари ҳақида ҳисоботларни тақдим этмаслик –

маълумот тақдим этилганга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини савдолардан четлаштиришга сабаб бўлади.

*(244-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

245. Масъул шахс томонидан қуйидагилар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги:

мижозларни тегишли тартибда текширишни амалга ошириш бўйича;

бенифициар мулкдорларни идентификациялаш чораларини кўриш бўйича;

мижозлардан мақсад ва мўлжалланган ишчанлик муносабатлари хусусияти, зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиши ҳақида сўровномалар бўйича;

мижоз томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлардан

фойдаланган ҳолда унинг операцияларини амалга оширишдаги ваколатларини текширишни амалга ошириш бўйича;

мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни белгиланган тартибда текшириш бўйича ;

яққол иктисодий ёки қонуний мақсадлар кўзланмаган, барча қийин, ўзгача йирик операциялар, шунингдек барча ғайриоддий схемалар билан операцияларни амалга оширишда юқори эътибор қаратиш бўйича ;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик имкониятлардан фойдаланишга йўл кўймаслик чоралари бўйича ;

мижозни тегишли тартибда текшириш билан боғлиқ материалларга кўшиб кўйиладиган унинг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномасида назарда тутилган фаолият турлари ва мақсадларига мувофиқ келмайдиган, аниқ иктисодий мазмунга эга бўлмаган барча операциялар бўйича тегишли тартибдаги текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайдэтиш бўйича;

идентификацияни тугатишнинг ёки тегишли тартибдаги текшириш натижасида мижоз билан иш бўйича муносабатга киришишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотларни олишнинг имкони бўлмаган ҳолларда мижозга битим тузишни рад этиш бўйича ;

Департаментга белгиланган тартибда ахборот тақдим қилиш учун аниқланган гумонли операциялар ҳақида биржа аъзоси раҳбариятини хабардор қилиш бўйича ;

олинган маълумотларни ошқор қилинмаслигига риоя этилиши бўйича ;

ички назоратни амалга ошириш вақтида олинган ҳужжатларни сақлаш ва қайтариш бўйича –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима қўлланилиши, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

*(245-банди “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

245<sup>1</sup>. Биржа аъзоси террорчилик фаолиятида, оммавий қирғин қуролиларини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этганликда гумон қилинаётган шахсларнинг махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган рўйхати билан танишиб чиқмаганлик - биржа аъзоси ва унинг трейдерларини ушбу рўйхат билан танишиб чиққунларига қадар биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

*(245<sup>1</sup>-банди “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси асосан*



*киритилган)*

246. Биржа аъзосининг масъул ходими томонидан қуйидаги мажбуриятларни бажармаслик:

юқори даражадаги хатар аниқланганда, шунингдек, битим жараёни томонларидан бири истиқомат қилаётган, жойлашган ёки жиноий фаолият ва терроризмни молиялаштиришдан олинган даромад легаллаштиришга қарши халқаро ҳамкорлик соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган бирор давлатда ёки оффшор зонада истиқомат қилаётган, айна вақтда бўлиб турган мижозни чуқурроқ ўрганиш чораларини кўриш;

жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чоралар кўриш, уларни хужжатлаштириш ва камайтириш чораларини кўриш—

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўллашга, шунингдек юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилганга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлатишга сабаб бўлади.

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарлик қайта содир этилиши – биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 3 ой муддатга четлатишга сабаб бўлади.

*(246-банд “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

247. Биржа аъзоси томонидан мижознинг биржа бозорида операцияларни амалга ошириш ҳақида топшириқ билан мурожаат қилганда қуйидаги мажбуриятларни бажармаслик:

конун хужжатларига мувофиқ мижозни ёки бошқа манфаатдор шахсларни идентификациялаш;

илгари мазкур мижоз томонидан ўтган ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, бир йил)да амалга оширилган операцияларни ўрганиш, агар ихтиёрида бундай операциялар бўйича маълумотлар бўлса;

операция турини, унинг мижоз - юридик шахснинг таъсис хужжатларида белгиланган фаолият турига мувофиқлигини аниқлаш;

операция турини, унинг мижоз - тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномасида белгиланган фаолият турига мувофиқлигини аниқлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслик -

Базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади

Жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни қайта содир этганлик –

Базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари

бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади.

*(247-банди “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

248. Биржа аъзоси томонидан операциянинг бир томон:

жиноий ҳаракатдан ёки терроризмни молиялаштиришдан тушган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда ёки офшор ҳудудда доимий истикомат қилса, жойлашган бўлса ёки рўйхатдан ўтган шахс бўлганда;

террористик фаолият билан шуғулланаётган ёки шуғулланиши гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс бўлганда;

террористик фаолият билан шуғулланаётган ёки шуғулланиши гумон қилинаётган ташкилотнинг мулкдори бўлса ёхуд ушбу ташкилотни бевосита ёки билвосита назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс бўлганда;

террористик фаолият билан шуғулланаётган ёки шуғулланиши гумон қилинаётган ташкилотнинг мулкдори ёхуд ушбу ташкилотни бевосита ёки билвосита назорат қилаётган жисмоний шахсга қарашли юридик шахс бўлганда -

Базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади.

Жазо қўлланганидан сўнг бир йил ичида худди шу қоидабузарлик яна содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима қўлланилади, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бартараф этилгунга қадар биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан четлаштиришга сабаб бўлади.

*(248-банди “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

249. Биржа аъзоси томонидан гумонли операциялар бўйича белгиланган муддатларда Департаментга ахборот юбормаслик -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек биржа аъзоси ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 1 ой муддатга четлаштиришга сабаб бўлади;

Жазо қўлланганидан кейин бир йил ичида худди шу қоидабузарликни яна содир этилиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима қўлланилишига, шунингдек брокер ва унинг трейдерларини биржа савдоларидан 3 ой муддатга четлаштиришга сабаб бўлади.

*(249-банди “ЎзРТХБ” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 16 апрелдаги баённомаси таҳририда)*

## **XVII. БИРЖАДА НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАРТИБИ**

250. Биржа фаолияти юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низоларни кўриб чиқиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

251. Биржа битимларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик тўғрисидаги келишмовчиликлар ва низолар қуйидагилар орқали кўриб чиқилади:

Арбитраж комиссияси тўғрисидаги низомга асосан биржа Арбитраж комиссиясининг судгача муҳокамаси;

суд муҳокамаси.

252. Биржа савдоси иштирокчилари ўртасида биржа савдоларида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш тартиби мазкур Қоидалар, Арбитраж комиссияси тўғрисидаги низом ва бошқа ички ҳужжатлар билан белгиланади.

### **ХVIII. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

253. Биржа аъзоси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураши бўйича Ички назорат қоидаларига мувофиқ ички назоратни амалга ошириши шарт.

254. Ички назоратни ташкил этиш ва реализация қилиш қонун ҳужжатлари ва Ички назорат қоидалари мувофиқ амалга оширилади.

255. Биржа аъзоси ўз фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб, ички назоратни амалга ошириш бўйича ўз чоралар дастурини қабул қилиши шарт.

256. Чоралар дастури биржа аъзоси фаолияти доирасида таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек уларни қисқартириш чораларини назарда тутиши керак.

257. Таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш биржа аъзоси мижозлари фаолиятининг йўналишлари (операциялари) ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

258. Биржа аъзоси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

259. Биржа аъзолари қуйидаги ҳолларда мижозларни текшириш бўйича тегишли чораларни кўришади:

ишчанлик муносабатларини ўрнатишда;

суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробаридан ортиқ бўлган бир марталик битимларни амалга оширишда;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қаратилган мақсади борлиги ёки алоқадорлиги бўйича исталган гумон ёки шубҳа бўлганда;

илгари олинган идентификация маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилигига шубҳа мавжуд бўлганда.

260. Амалга оширилаётган операциянинг бир тарафи жиноий фаолиятдан ёки терроризмни молиялаштиришдан тушган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда ёки офшор ҳудудда доимий истикомат қилса, жойлашган ёки рўйхатдан ўтган бўлса, биржа аъзолари мижозни тегишли тартибда текшириш бўйича кучайтирилган чораларни кўришлари шарт.

261. Мижозни тегишли тартибда текшириш биржа бозорида хизмат кўрсатишнинг барча йўналишлари ва бочқичларида, шу жумладан илгари мавжуд бўлган мижозларга нисбатан ҳам амалга оширилиши лозим.

262. Мижозни ёки бенифициар мулкдорни идентификациялаш билан бирга қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга ошириш ваколатларини ҳам текшириши зарур.

263. Мижоз биржа бозорида операцияларни амалга ошириш учун топширик билан мурожаат қилганда, биржа аъзолари қуйидагиларга мажбур:

мижозни ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ушбу операцияларни амалга оширишларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини идентификация қилишлари;

агар қўл остида бундай операциялар бўйича маълумотлар бўлса, илгари мазкур мижоз томонидан ўтган ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, бир йил)да амалга оширилган операцияларни ўрганишлари;

операция турини, унинг мижоз - юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолият турига мувофиқлигини аниқлашлари;

операция турини, унинг мижоз - тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномасида белгиланган фаолият турига мувофиқлигини аниқлаши.

Агар мижознинг бенефициар мулкдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса, биржа аъзолари мижознинг раҳбарини идентификациялашлари керак.

*(263-банд “ЎЗРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2021 йил 9 августдаги баённомаси таҳририда)*

264. Биржа аъзолари мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни қуйидагидар ёрдамида текшириши лозим:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг бошқа биржа аъзолари билан муносабатларини ўрганиш;  
мижознинг иш бўйича обрўси юзасидан маълумотлар йиғиш.

265. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар билан операциялар қуйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

зарурат туфайли талаб қилинган, шу жумладан ишонч билдирган шахсга оид (агар мижоз ишочли вакил сифатида иштирок этаётган бўлса) маълумотларни тақдим қилишни мижоз томонидан асослантирилмаган ҳолда рад этиш;

кулайроқ бўлган шартларда хизмат кўрсатишни мижоз томонидан эътиборга олмаслик, шунингдек мижоз томонидан худди шундай хизматларни кўрсатиш учун одатда тўланадиган мукофотдан фарқ қиладиган юқори миқдордаги мукофотни таклиф этиш;

биржа операциялари бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби бўйича мазкур мижоз ёки биржа томонидан фойдаланиладиган одатдаги амалиётдан фарқ қиладиган ностандарт ёки қийин бўлган қоидаларнинг мавжудлиги;

бекор қилинган биржа битимлари бўйича мижоз томонидан уз маблағларини учинчи шахсларга ёки норезидентлар-банк ҳисобига ўтказиш ҳақида таклиф берилиши;

мижоз томонидан ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилинишини асосиз кечиктириш ёки мижоз томонидан текшириш мумкин бўлмаган ёхуд текширишжуда кимматга тушадиган маълумотлар тақдим қилиниши;

биржада амалга ошириладиган битимнинг махфийлик масалалари бўйича мижознинг хаддан ташқари ташвишланиши;

мижознинг биржада операцияларни зудлик билан амалга оширишни талаб қилиниши;

мижоз томонидан нақд пул шаклида бир кун ёки ўттиз кун ичида депозитга қўйилган пул маблағи энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробаридан ортиқ суммани ташкил этиши;

жинойй фаолиятдан ёки терроризмни молиялаштиришдан тушган даромадларни легаллаштиришга қарши кўрашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда ёки офшор худудда рўйхатдан ўтган юридик шахслар учун ФИР очиш, шунингдек уларга хизмат кўрсатиш бўйича топшириқ берилиши;

чет эл ташкилотларининг ишончномаси асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ФИР очиш бўйича топшириғи;

идентификациялашни яқунлаш имконияти бўлмаса ёки тегишли текшириш ўтказиш натижаси фойдаланувчи билан ишчанлик муносабатини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатса;

битим тузилиши натижасида пул маблағлари ёки бошқа мулк эгалари ўзгармасада, лекин ушбу биржа савдолари иштирокчилари фаоллашгандек таасурот қолдирса;

биржа савдолари қоидаларида белгиланган биржа савдоларида нархларни манипуляция қилиш белгилари мавжуд бўлса;

30 кун ичида товар сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баробаридан ортиқ бўлган суммага битим тузилганлиги;

молиявий йилнинг бир чорагидан ортиқ бўлмаган давр фаолият кўрсатаётган мижоз билан товар сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 баробаридан ортиқ бўлган суммага биржа битимлари тузилганлиги;

биржа операциялари бўйича бошқа минтақада жойлашган мижоз томонидан топшириқ берилганлиги;

операцияларнинг мижознинг фаолият тури ва хусусиятига номувофиқлиги; амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қаратилган мақсад борлигига асосли шубҳа туғилган бошқа барча ҳоллар.

Шубҳали операциялар бўйича маълумотлар ҳақида ички назорат Қоидаларида белгиланган тартибда Департаментга хабар берилиши лозим.

*(265-банднинг 1-хатбошиси “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

266. Биржа аъзолари томонидан Ички назорат Қоидаларига риоя этилишини мониторинги ва назоратини биржанинг ваколатли бўлими амалга оширади (кейинги ўринларда - бўлим).

267. Шу мақсадда бўлим:

биржа аъзолари фаолиятининг Ички назорат қоидалари талабларига риоя қилинишини доимий асосда ўрганади;

ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш, шунингдек Ички назорат қоидаларига риоя этилиши ва бажарилиши бўйича чоралар кўради;

биржа аъзоси томонидан Ички назорат қоидалари талабларига риоя этилмаганлик ёки бажарилмаганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, икки нусхада тегишли далолатнома тузади, унинг бир нусхасини биржа аъзосига тақдим этади;

Ички назорат қоидаларига риоя этилмаганлиги ҳолатлари юзасидан материалларни Интизом комиссиясига юборади;

биржа аъзолари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича мониторингни амалга оширади.

268. Мониторинг ва назоратни амалга оширишда бўлим:

биржа аъзоларидан Ички назорат қоидалари билан боғлиқ маълумотларсўрашга; ҳуқуқбузарликлар ва Ички назорат қоидаларининг бузилишини оператив равишда тўхтатиш мақсадида юқори даражадаги таваккалчиликка эга бўлган мижоз номидан операцияларни амалга оширган ёки гумонли операцияларни амалга оширган биржа аъзосига зудлик билан Ички назорат қоидаларига риоя этилишини, шу жумладан мижозни тегишли равишда идентификация қилиш ва текшириш, мижознинг операцияларини амалга ошириш ваколатини текшириш, мижоз тақдим этган ахборотларни текшириш, мижоз томонидан идентификация қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим қилинмаган тақдирда операцияларни амалга оширишни рад қилиш, Ички назорат қоидаларига мувофиқ таваккалчилик даражасини аниқлаш, гумонли операциялар бўйича Департаментга хабарнома юборишни тавсия этиш ҳуқуқига эга.

## **ХІХ. БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЯНГИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМ ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЛОҲИДА ШАРТЛАРИ**

269. Мазкур бўлим биржа савдоларини янги дастурий тизим орқали ташкил

этишнинг алоҳида шартларини белгилаб беради. Мазкур бўлимда кўзда тутилмаган барча ҳолатлар юқорида келтириб ўтилган умумий қоидаларга мувофиқ тартибга солинади.

270. Биржа савдолари янги дастурий тизим (WEB-интерфейс) орқали биржа аъзоларига савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда марказлаштирилган тарзда электрон шаклда ташкиллаштирилади. Бунда, биржа:

биржа аъзолари томонидан мустақил равишда танланган ва фойдаланиладиган компьютер терминалларининг техник талабларга мос келишига ва созлигига;

компьютер терминали учун мустақил танланган ва фойдаланиладиган интернет алоқа каналларининг ўтказувчанлик тезлиги ва узлуксиз ишлаши учун жавоб бермайди.

271. Биржа аъзоларининг компьютер қурилмалари биржа томонидан ўрнатилган минимал талабларга жавоб бериши лозим. Бунда биржа томонидан компьютер қурилмаларига алоҳида стикер ва дастурлар ўрнатилиши талаб этилмайди.

272. Мижоз ҳамда биржа аъзоси ўртасидаги биржа савдоларида иштирок этиш бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар (брокерлик муқофотлари) ҲҚКП орқали амалга оширилиши мумкин.

Бунда мижоз қафолатли тўлов усулларини танлаган бўлса, биржа аъзосини ўзгартириш фақатгина ҳисобланган қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг амалга оширилади.

Мижоз ва биржа аъзоси ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҲҚКП орқали амалга оширилиши учун тарафлар киритилган барча маълумотларни ЭРИ орқали тасдиқлайдилар.

Биржа аъзоси ва унинг мижози томонидан тизимга киритилган маълумотларни улар ўртасидаги ўзаро тузилган шартнома шартларига мувофиқ келиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий оқибатлар учун биржа жавоб бермайди.

273. Маклериат янги савдо сессиялари ва савдо секцияларини яратишни, савдолар вақтларини ва иштирокчиларга қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек тегишли давлат органларининг қарорларида келтирилган талабларни белгилашни, савдо натижаларига кўра шаклланган битимларни имзолаш муддатларини дастурий тизим орқали ўрнатишни амалга оширади.

274. Қонун ҳужжатларида маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиши белгиланган сотувчилар, шу жумладан монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар битим бўйича тўлиқ тўлов амалга оширилмаганлиги ёки маҳсулот юкланмаган (шу жумладан қисман юкланмаган)лиги сабаб қолиб кетган ҳажмларни кейинги биржа савдоларига такроран қўйишни биржа аъзолари орқали дастурий тизимнинг тегишли функциясидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

275. Сотувчи томонидан маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш (контракт очиш) учун Листинг комиссиясига тақдим этилган электрон аризада савдолар давомида

бошланғич нархдан паст нарх бериш бўйича буюртмаларни қабул қилишга рухсат берилиши мумкин. Шунингдек, сотувчи ҳар савдодан олдин ўзининг шахсий кабинети орқали ЭРИдан фойдаланиб амалдаги контракти бўйича бошланғич нархдан паст нарх бериш имкониятини белгилаши мумкин.

Бунда:

сотувчи томонидан бошланғич нархдан паст нарх бериш имкониятини 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда кўрсатади;

савдо жараёнида сотиб олиш учун берилган буюртмалар бошланғич нархга тенг, ундан юқори ёки бошланғич нархдан паст (кўрсатилган фоизгача) бўлиши мумкин;

бошланғич нархдан паст нархдаги битимлар “буюртмалар стакани”га мувофиқ маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда берилган энг баланд нархга нисбатан пасайиш тартибида шаклланади.

*(275-банднинг 1, 3, 5-хатбоишида “ЎзРТХБ” АЖ қузатув кенгашининг 2023 йил 16 октябрдаги баённомаси таҳририда)*

276. Клиринг иштирокчиси - сотувчи томонидан етказиб бериш ҳужжатлари реестри сотувчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда киритилади.

Тақдим этилган юклаш тўғрисидаги ахборотда битим рақами, юкланган товар ҳажми ва унинг умумий суммаси, юкланган сана, ҳисобварақ-фактура рақами бўлиши керак.

Шунингдек, унда маҳсулот юкланганини тасдиқловчи бошқа ахборот ҳам киритилиши мумкин.

Электрон тизим юклаш тўғрисидаги ахборотни сотиб олувчи ҳамда унинг биржа аъзоси шахсий кабинетига юборади.

Сотиб олувчи ёки унинг биржа аъзоси юклаш тўғрисидаги ахборотни олгандан сўнг бир иш куни ичида ўз эътирозларини шахсий кабинет орқали билдириши мумкин.

ҲҚКП юклаш тўғрисидаги ахборот бўйича сотиб олувчи ёки унинг биржа аъзосининг эътирози келиб тушган тақдирда, сотувчидан тегишли тартибда тасдиқланган етказиб бериш ҳужжатлари реестрини тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли.

277. Юклаш тўғрисидаги ахборот сотувчилар томонидан электрон тизимга киритилганда, ҲҚКП сотиб олувчи томонидан юклаш тўғрисидаги ахборот бўйича эътироз келиб тушмаган тақдирда, бир иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда бажарилган мажбуриятлар миқдоридаги пул маблағларини харидор шахсий ҳисобварағидан сотувчининг шахсий ҳисоб варағига кейинчалик унинг хизмат кўрсатувчи банкидаги ҳисобварағига кўчириш орқали ўтказди.

*(XIX-бўлим “ЎзРТХБ” АЖ Қузатув кенгашининг 2021 йил 20 декабрдаги баённомасига асосан тўлдирилмоқда)*

## **XX. Икки томонлама аукцион ўтказиш тартиби**

278. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:



икки томонлама қарама-қарши аукцион режими (ИТА) - биржа савдоси режими бўлиб, унда биржа операциялари сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги рақобат натижасида аноним тарзда тузилади ва товарларнинг нархи ушбу Тартибда белгиланган параметрлар билан белгиланади;

лот – биржа савдоси пайтида тузилган ва биржа савдосини сотиш (сотиб олиш) учун аризада кўрсатилган турдаги биржа товарининг миқдори;

279. Икки томонлама қарама-қарши аукционда маҳсулот маркаси, лот ҳажми, тўлов ва етказиб бериш шартлари, махсус ва бошқа шартлар, шу жумладан алоҳида код берилган ҳолда, биржа шартномасининг спецификацияси Маклериатнинг ва/ёки ишлаб/етказиб берувчининг таклифлари асосида Листинг комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

280. ИТАда, маҳсулот спецификациясига мувофиқ жўнатилган жой ва қабул қилинадиган жой ўртасидаги масофа фарқи асосида, шунингдек харидорнинг ҳақиқий географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган чегирмалар ва устамалар тизими қўлланилиши мумкин.

281. ИТА иштирокчиси томонидан тақдим этилган биржа товарини сотиш (сотиб олиш) тўғрисидаги ариза биржа савдоси иштирокчисининг биржа битимини тузишга розилиги ҳисобланади.

282. ИТАни ўтказишда қуйидагилар кўрсатилади:

стандарт биржа контракти (товар) коди;

буюртма йўналиши: товарларни сотиб олиш ёки сотиш;

сотилаётган (сотиб олинаётган) товар миқдори;

товарнинг нархи (сотиб олиш буюртмасида ва сотиш буюртмасида кўрсатилган).

283. Буюртмалар “лимитли” ёки “бозор нархи” шаклида бўлиши мумкин.

Сотиб олиш (сотиш) буюртмасида “лимитли” шаклнинг кўрсатилиши ушбу буюртмада кўрсатилганидан юқори бўлмаган (кам бўлмаган нархда) белгиланган миқдордаги лотларни сотиб олиш (сотиш) ниятини англатади.

Сотиб олиш (сотиш) учун буюртмада “бозор нархи” шаклининг кўрсатилиши белгиланган миқдордаги лотларни буюртма бериш вақтидаги жорий бозор нархида сотиб олиш (сотиш) ниятини англатади.

284. Аризада уни бажариш учун қуйидаги шартлардан бири кўрсатилиши керак:

“Ҳаммаси ёки рад этиш”да буюртма уни ҳажм бўйича тўлиқ қаноатлантирадиган қарши сўровлар бўлмаган тақдирда қайтариб олиншини англатади;

“Навбатга қўйиш” буюртма навбатга қўйилишини англатиб, мақбул қарши сўровлар мавжуд бўлса, шартномалар тузилади. ИТА давомида мақбул қарши сўровлар мавжуд бўлса, ижро (шартнома тузиш) максимал имконият ҳажмида амалга оширилиб, буюртма ҳажми ижро этилмаган қолдиқ миқдорида ўрнатилади.

285. ИТА қуйидагиларни ҳисобга олинган ҳолда олиб борилади:

биржа савдолари иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар махфийлиги;

кросс-битимлар (сотувчи ва харидор брокери битта шахс) тузишга тақик;

биржа битими тузиладиган товарлар нархини шакллантириш, харидорлар ва

сотувчиларнинг рақобатдош таклифлари жараёнида ва уни харидор учун энг яхши нарх (сотувчилардан минимал нарх) ёки сотувчи учун энг яхши нарх сифатида аниқланиши (харидорлардан максимал нарх);

биржа гаров таъминотини киритиш.

286. ИТА да иштирок этадиган брокер унда бир ёки бир нечта мижознинг вакили бўлиши мумкин.

287. ИТА савдо сессияси давомида биржа савдо тизими томонидан сотиш ва сотиб олиш бўйича буюртмаларини доимий равишда автоматик таққослаш тартибида амалга оширилиб, буюртмалар стакани ташкил этувчи ҳар бир тақдим этилган буюртма қарама қарши буюртмалардаги товарларнинг миқдори ва нархига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

288. Агар тақдим этилган буюртманинг параметрлари қарама қарши буюртмалар параметрларига тўғри келса, биржа битими тузилади.

289. Буюртмалар стакани биржанинг савдо тизими томонидан қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда автоматик режимда шакллантирилади:

тақдим этиш вақтидан қатъи назар, биринчи навбатда энг яхши нархларга эга бўлган буюртмалар (сотиб олиш буюртмалари навбатида - харидордан максимал нархлар билан (камайиш тартибида), сотиш учун буюртмаларлар навбатида - сотувчидан минимал нархлар (ўсиш тартибида). Шу билан бирга, буюртмада кўрсатилган сотиладиган (сотиб олинadиган) товарлар миқдори (буюртма ҳажми) унинг устуворлигига таъсир қилмайди;

қарама-қарши буюртмалар навбатдаги ўрни ва нархига қараб қондирилади – аввалига биринчи навбатда аниқланган аризалар қондирилади;

буюртмалар нархи тенг бўлса, олдинроқ тақдим этилган буюртма кейинроқ тақдим этилган буюртмага қараганда устувор сифатида қондирилади;

битим ҳар доим қарама-қарши буюртмалар навбатда биринчи турган буюртма нархида тузилади;

агар битим тузилганда буюртма қисман қондирилса, унинг қолган (бажарилмаган) қисми ушбу бандда белгиланган умумий тартибда қондирилиши керак бўлган алоҳида буюртма сифатида қаралади;

биржа битимини тузиш қониқтирилган буюртмаларни берган иштирокчиларнинг қўшимча розилигини талаб қилмайди.

290. ИТА савдо сессияси давомида биржа савдолари иштирокчилари товарларни сотиб олиш (сотиш) учун етарли миқдордаги биржа гарови билан чексиз миқдордаги буюртмаларни беришлари мумкин. Бунда, ИТА иштирокчиси томонидан берилган ҳар қандай буюртма битим тузилгунга қадар қайтариб олиниши мумкин.

291. ИТА савдо сессияси якунлангач, барча қониқтирилмаган товарларни сотиб олиш (сотиш) учун буюртмалар биржа савдо тизими томонидан бекор қилинади.

292. Биржа савдо тизимидаги ИТАнинг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

савдо иштирокчилари томонидан сотиб олиш учун ҳам, сотиш учун ҳам тақдим

этилган барча таклифлар тўғрисида онлайн маълумотларнинг мавжудлиги. Бунда, савдо тизими савдо жараёни ҳақида маълумотга эга бўлишга имкон беради;

савдо жараёнини акс эттириладиган савдо тизимидан чиқмасдан туриб, сотиб олиш ёки сотиш буюртмаларини жойлаштириш (тахрирлаш) имконияти, бунда савдо тизими савдо иштирокчисининг гаров таъминотини етарлилигини назорат қилади.

Савдо пайтида маблағлар ҳар бир тақдим этилган буюртма ва тузилган битим учун биржа томонидан белгиланган миқдорига мувофиқ блокланади. Иштирокчи аризани фақат мавжуд бўш маблағлар миқдорида тақдим этади.

293. Битим қўйидаги алгоритмга мувофиқ тузилади:

ҳар бир тақдим этилган буюртма тизимга тақдим этилган қарама-қарши буюртмаларга мос келиши текширилади;

тақдим этилган буюртма параметрлари қарма-қарши буюртмалар параметрлари билан кесишганда, битимлар тузилади;

агар нархлар тенг бўлса, илгари тақдим этилган буюртма кейинчалик тақдим этилган буюртмадан аввалроқ қондирилади;

битим ҳар доим буюртмалар навбатида энг яхши қарма-қарши буюртма нархида тузилади.

Буюртмалар қисман бажарилиши мумкин (битим қарама-қарши буюртмалар ҳажмида тузилади).

294. Битим тузилганидан кейинги қолдиқ буюртмалар стаканида қолади. Қарама-қарши кесишган буюртмалар мавжуд бўлмаган тақдирда, агар уни бажариш шарти “навбатга қўйиш” бўлса буюртма буюртмалар стаканига жойлаштирилади, ёки уни бажариш учун бошқа шарт бўлса автоматик равишда ўчирилади.

295. Битимлар доимий равишда тузилади ва иштирокчилар томонидан қўшимча ҳаракатларни талаб қилмайди.

296. Биржа бозор конъюнктасидан ва/ёки ваколатли органнинг таклифидан келиб чиқиб нарх оғишининг (нарх оралиғи) чегаравий миқдорларини белгилаши мумкин.

*(XX-бўлим “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 21 августдаги баённомасига асосан тўлдирилмоқда)*

## **XXI. Биржа савдолари иштирокчиларининг ишончлилик рейтинги**

297. “ЎзРТХБ”АЖ биржа савдолари иштирокчиларининг ишончлилик рейтингига (кейинги ўринларда — рейтинг) киритиладиган корхоналар рўйхати Биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

298. Рейтингга киритиладиган иштирокчиларнинг рўйхати қўйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади:

охирги тўрт чоракнинг ҳар бирида биржа савдоларидаги товар айланмаси - бунда иштирокчи томонидан чорак давомида биржа савдоларида тузган битимлар суммаси;

биржа савдоларида қатнашиш даври;

иштирокчининг юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулот сотувчиси бўлиши;

тузилган биржа битимлари ижроси ва иштирокчиларнинг бошқа ишончилилик кўрсаткичлари.

299. Рейтингда киритилган иштирокчилар томонидан (уларнинг аризасига (ёки) акцептига кўра) биржа битимларини тузиш учун закат маблағи ўрнига доимий сақланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача миқдорда умумий закат маблағи (биржа комиссия йиғимларидан ташқари) тўланади.

300. Биржа савдолари иштирокчиларининг ишончилилик рейтингига киритилган иштирокчиларнинг доимий сақланадиган закат маблағи “ЎзРТХБ” АЖ Бошқаруви томонидан белгиланади.

301. Рейтингда кирган иштирокчилар биржа савдоларида тузилган битимларда харидор бўлиб қатнашса, шартномада белгиланган муддатларда битим суммасининг 10 фоизини, сотувчи томонидан маҳсулотни юклашга тайёр эканлиги бўйича маълумот тақдим қилинганидан сўнг бир иш кунда молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун битим суммасининг қолган қисмини ҲККПнинг биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги иккиламчи ҳисобрақамига қўшимча маблағлар ўтказиши шарт. Ушбу суммага ҲККП томонидан мажбуриятларнинг сотувчи томонидан тўлиқ бажарилишигача тақик қўйилади.

302. Рейтингда кирган иштирокчилар томонидан биржа битими бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, жарима шартномада белгиланган миқдорда корхонанинг умумий закат маблағлари ва бўш маблағлари ҳисобидан ундирилади.

303. Рейтингда кирган иштирокчилар биржа савдоларида тузилган битимлар юзасидан мажбуриятларини сабабсиз бир ой давомида такрорий икки ва ундан ортик марта бажармаганлиги учун бекор қилинган тақдирда рейтингдан чиқарилади.

*(XXI-бўлим “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 26 декабрдаги баённомасига асосан тўлдирилмоқда)*

## **XXII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

304. Мазкур Қоидалар талабларини бузган биржа ходимлари “ЎзРТХБ” АЖ ички меҳнат қоидаларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

*(XXII-бўлим “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 26 декабрдаги баённомасига асосан таҳририда)*